Гос. библиотека УзССР

Бутун дунё пролетарлари, бирлашинглар!

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ИИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

1 ИЮЛЬ, 1982 ИИЛ ПАЙШАНБА № 150 (2.556). Баҳоси 3 тийин.

60 йиллигига зардор ҳафталиклар СССР

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига давом этаётган зардор олтмиш ҳафталикларнинг ҳар бирида республикамиз дала ва фермаларининг фидокорлари ажойиб меҳнат натижаларига эришмоқдалар.

28 июндан бошланган навбатдаги ўттиз тўртинчи ҳафталик янгилик бунёдкорлари — конструкторлар, ихтирочилар ва рационализаторларга бағишланади.

ИЮЛЬ—ҲОСИЛ ТЎПЛАШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОЙ

СЎЗ — ТАЖРИБАКОРЛАРГА

КЕЧИККАН ҒЎЗАГА АЛОҲИДА МЕҲР КЕРАК

Бу йилги баҳор биз учун ниҳоятда қуруқ келди. Тупроқнинг устки қатламигина эмас, ҳатто остки қатламида ҳам нам сақлаш қийин бўлди. Чигит экиш арафасида ҳар бир бўлимнинг ҳар бир бригадасида икки-учтадан оператив сувчилар группасини тузик. Группаларга энг тажрибали сувчиларни раҳбар қилиб тайинладик. Баъзи майдонларда ниҳол чигитни кўтариб, бураліб чиқади, баъзи майдонларда эса ниҳол сарғайиб тупроқни ёриб чиқади. Бошқа жойларда билмадиму, аммо бизнинг шароитимизда чигитнинг мана шу ҳар икки ҳолатда бўлиши ҳам соғлом униб чиқиш эмас. Касалланиб тутилган чақалоқнинг ўзгинаси. Чигитнинг мана шундай ҳолатда униб чиқиши ҳар гектар ернинг ҳосилдорлигини 5—6 центнерга тушириб юборади. Бошқача қилиб айтганда 5—6 центнер қийматбаҳо хом ашё чигит униб чиқиши пайтидаёқ йўқолди, деган гап.

Чигитнинг бир текис, ямяшил униб чиқиши соғлом униб чиқиш ҳисобланади. Шунинг учун чигит экилган майдонларга оператив сувчилар группаси кетма-кет югуртма сув тараб борди. Сувчилар икки сменада ишлашди. 5 кун ичида 2000 гектар майдонимизнинг ҳаммасида тўла гектарлар ҳосил бўлди. Бирорта бригадада ниҳолнинг сарғайиб чиқиши, чигитни бошига кўтариб, эгилиб чиқиши ёки бирин-кетин униб чиқиши содир бўлмади. Ниҳоллар ўзимиз ўйлаганимиздек ям-яшил, соғлом ундириб олинди.

5 та бўлим, 32 та бригадада баробарига биринчи культивацияни ўтказиб яганалашни бошлаб юбордик. Яганалашдан чиққан майдонларни пешма-неш чопиқ қилиб, бир вақтнинг ўзида озиқлантирдик ва иккинчи культивацияни ўтказдик. Шундан сўнг иккинчи сув беришни (чигит сувидан ташқари биринчи) бошлаб юбордик. Катта умид билан она-Ватанга 5,5 минг тонна юқори сифатли хом ашё етказиб берамиз, деган ваъдамизни бажариш йўлидаги дастлабки қадамимиз мана шундай яхши ташланди.

Бироқ деҳқоннинг кўзга кўринмас рақиби, деҳқончиликнинг қушандаси кўп. Ҳар фаслнинг ўз ташвиши бор. Бир баҳор дўл, бир баҳор сел, бир баҳор қурғоқчилик деҳқон матонатини синаб кўраркан. Бу баҳорда қурғоқчилик машақатларини енгиб ўтганимиздан кейинроқ табиат иккинчи, биз учун ниҳоятда аянчли зарбасини берди. Бу сафаргисидек офатни кўп йилларидан бери чўлда деҳқончилик қилиб, кам кўрган эдик. Бутун меҳнатимиз кўз олдимизда сувга оқиб кетгандай бўлди.

9 май куни кундуз соат иккиларда бошланган шиддатли бўрон, 10-май эрталаб соат 8 га келиб тинди. Очғини айтганда, бирор чора-тадбир қилолмадик. 1000 гектарга яқин майдондаги шоналаш арафасига келиб қолган ниҳолларимизни бўрон батамом қовжиратиб қўйди. Бутун дарахтларнинг барглари тўкиб ер билан яксон қилиб ташлади. Нима қиламиз, деб ўйлаб ўтиришнинг асло ҳожати йўқ. Тонг саҳардан бутун бўлим ва бригадалардаги аҳволни ўрганиб чиқдик. Айниқса, Умарали Қаюмов бошлиқ 2-бўлим, Эргашали Тошмирзаев бошлиқ 5-бўлим далалари катта зарар кўрган экан. Турсунали Умаров, Солижон Раҳимов, Абдувоҳид Мирзаев, Тошмирза Ҳонтўраев, Аҳмад Тешабоев, Асқарали Нишонов сингари тажрибали бригада бошлиқлари жиддий зарарланган майдонга чигитни қайта экишни тавсия қилдилар. Бу фикр ҳаммамизнинг кўнглимиздаги маслаҳат бўлди.

Бир соат оралиғида Исмоил Эргашев, Ҳабибулло Бойимирзаев, Турсунбой Ҳошимов, Акбарали Жакбаров сингари фидойи механизаторларимиз тракторларига сеялкаларни ўрнатиб, дала бошида ҳозир бўлдилар. Шу куннёқ область партия комитети районимиздаги бошқа хўжаликлар қатори бизнинг совхозимизга ҳам 30 тонна чигит уруғини етказиб берди.

Бутун совхоз ишчилари оёққа турди. Қайта экилиши керак бўлган ерларда чигит экишни уч кунда тамомладик. Бўрон тупроқдаги бор намни ҳам кўтариб юборган эди. Оператив сувчилар группаларининг сафларини кенгайтирдик. Улар чигит экилган майдонларга тунда ҳам сув қўя бошладилар. 1000 гектардаги чигитни яна қайтадан бир текис соғлом ундириб олдик. Ўн кун ичида ниҳолларимизга ёш бўлишига қарамай икки марта комплекс ишлов бердик.

Кўчатларимиз табиий офат туфайли нечки бўлиб қолди. Хўш, энди нима қилиш керак? Бор айбни табиатга ағдариб қўя қолиш керакми? Ёки ҳаракат қилиш, омилкорлик кўрсатиш йўли билан кечикишнинг олдини олиш мумкинми? Мумкин, албатта. Ҳар бир бўлим, ҳар бир бригада учун алоҳида-алоҳида тадбир ишлаб чиқдик. Ҳар бир картага коммунистлардан масъул кишилар ажратдик. Улар ҳар беш кунда қандай тадбирларни амалга оширгани, қандай ишларни қилажаги тўғрисида ҳисоб беради. Кечиккан ниҳоллар икки марта қўй ва товуқ ғўнги билан озиқлантирилади. Суғориш ҳам икки марта ёнидан ўтказилди. Уч марта қўшимча культивация қилинди. Бошқача қилиб айтганда, шу майдонларнинг тупроғи сунъий равишда қиздирилди — яъни, озуқа талаб қилиниб, чанқатилди.

Ҳар бир ишчига маълум карталар белгилаб берилди. Демак, у ўша картани бирор дона бегона ўт босишига йўл қўймайди. Бунинг учун унга ҳамма шароитлар яратиб берилди. Шундай қилинганда ерга солинган ҳар килограмм минерал ва моҳаллий ўғит, ҳар бир томча сув тўғридан-тўғри ғўза ниҳолига сарф бўлади. Совхозимизда зардор 40 кунлик эзлон қилдик. Мана шу қирқ кун ичида ҳамма кечикиш зарарларини бартараф этамиз ва барча майдонлардаги ғўзаларимизни мўлжалдаги ҳосилни тўла олишига тайёрлаган бўламиз.

Бу йилги баҳор совхозимиз деҳқонларини қаттиқ синовдан ўтказди. Хўжалигимизнинг ҳар бир ишчиси фидойилик кўрсатди, билимини, тажрибасини, куч-ғайратини тўла ишга солди. Мана, ҳозир баравж ривожланаётган ниҳолларимизда мўл ҳосил нишоналари кўзга ташланиб қолди.

Ҳа, ҳар баҳорнинг ўз ташвиши бор. Бири бирига ўхшамайди. Ҳар бири деҳқондан ўзига хос кураш, матонат, тадбиркорликни талаб этади. Коллективимиз ҳаммасини ҳам бардам енгиб ўтаяпти. Бундай шижоаткор одамлар билан ишлашнинг ўзгача завқу шавқи бор. Шу кунларда улар йил бошида зиммамизга олган беш ярим минг тонналик хирмонни албатта бунёд этамиз, деган қатъий қарор билан меҳнат қилишяпти.

Т. АБДУРАҲМОНОВ,
Комсомолобод районидаги «Дўстлик» совхозининг директори.

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАРИ!

ЭКИНЛАР ПАРВАРИШИДА ЭНГ МАСЪУЛИЯТЛИ ДАМЛАР БОШЛАНДИ, УНИНГ ҲАР ДАҚИҚАСИ НИҲОЛЛАРИМИЗНИНГ БАРАВЖ, СЕРҲОСИЛ БЎЛИБ ЎСИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН ◆ РИВОЖЛАНИШДАН ОРТДА ҚОЛАЁТГАН ПАЙКАЛЛАРГА ҚУШИМЧА ИШЛОВ БЕРИБ, ТЕЗРОҚ ОЗИҚЛАНТИРИНГ ◆ БУ ЙИЛГИ ШАРОИТ ҲАР ТОМЧИ СУВДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ, УНИНГ ИСРОФ БЎЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК ◆ЗАРАРКУНАНДА ВА ҲАШАРОТЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛМАСЛИГИ УЧУН ПАЙКАЛЛАРНИ ЗИЙРАКЛИК БИЛАН КУЗАТИБ БОРИНГ ◆ СУҒОРИШ БИЛАН КУЛЬТИВАЦИЯНИ БИР-БИРИГА БОҒЛАБ АМАЛГА ОШИРИШ МЎЛ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИДИР

Сув—ғузанинг қони. Буни сидқидилдан ҳис этган Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз сувчилари экинни оби-ҳаётга қондириш йўлида жонбозлик кўрсатишмоқда. Сувчилар ўртасида бошланган мусобақада Раҳмонқул Шеримов пешқадамлик қиляпти. У хўжаликнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Кан О Нам бошчилик қилаётган бригадасида ғўзаларни меҳр билан парваришламоқда. Ҳар қатра сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, карталарга бир текис обиҳаёт тараш натижасида ғўзаларда ҳосил тугунчалари ортиб боряпти.

Суратда: тажрибали сувчи Р. Шеримов иш устида.

А. Абалян фотоси.

КЎСАКЛАР ШОДА-ШОДА

Қарнаб тоғлари этагида Бухоро районининг 2-қўриқ совхози жойлашган. Хўжалик чўқуварлари бу ерда иккинчи йил ҳосил етиштирмоқда. Бултур 500 гектар янги ер ўзлаштириб, дастлабки минг тонна чўл дурдонаси етиштирилган эди. Бу йил эса пахта майдони минг гектарга етказилган. Мавжуд 4 бўлим ва 20 бригадада баравж ғўзалар сифатли парвариш қилинмоқда.

—Бу йил баҳор ўртачўлда яхши келди, — дейди совхоз директори Салим ака Ҳалимов. —Барака уруғини ўз вақтида экиб олдик. Тўла гектарлар ҳосил қилгач, зардор 120 кунлик эзлон қилиб, ғўла парваришини намунали давом эттираяпмиз. Ҳозирданоқ, ғўзаларимиз ёппасига гуллаб, ғуж-ғуж кўсак тугмоқда. СССР юбилейи йилида 40 центнердан чўл дурдонаси етиштирамиз. Ҳозирги кунда ҳар тўп ғўзада 3—4 тадан кўсак санаш мумкин, июль ойида эса уларнинг сони 8—10 тадан ошади.

Дарҳақиқат, икки марта оби-ҳаёт тараб, тўрт марта комплекс ишловдан чиқарилган ғўзалардаги ҳосил тугунчалари кун сайин кўпаймоқда. Совхоз бош агрономи Амон Аҳмедов, бош инженер Ҳаким Толибовлар сувчи ва механизаторларни олиб бораётган юмушларнинг сифатли бўлиши устидан назорат қилиб турибдилар. Ҳозир 80 нафар сувчи, 50 трактор чорт жасорат кўрсатиб ишламоқда. Уста сувчилар суғоришни икки сменада ташкил этганлар. Ж. Қаландаров, С. Гадоев, А. Маҳмудов, Х. Истамов, Ҳ. Шоназаров сингари бош мироблар суғориш сифатига алоҳида эътибор беришаяпти. О. Акромов, Х. Тоҳиров, Б. Мирзоев, О. Каримов, К. Латипов каби дала гвардиялари агрегатларига тўсиқ ўрнатиб, сифатли парвариш қилишмоқда.

Ж. ТУРДИЕВ,
С. РОЗИҚОВ.

ПАРТИЯВИЙ ИШНИ ЯНГИ ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИГА КЎТАРАЙЛИК

НАВОИЙ. 30 июнь. (ЎзТАГ). Навоий область партия комитетининг пленуми қатнашчилари КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми ялқулаётини ҳамда область партия ташкилотининг ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программаси ва уни амалга ошириш тадбирлари тўғрисида»ги докладидан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама этдилар. Область партия комитетининг биринчи секретари В. П. Есин доклад қилди.

Докладчи ва музокаларда сўзга чиққан нотиқлар КПСС Марказий Комитети май Пленумининг қарорлари барча коллективларда меҳнат ғайратини жуда кучайтириб юборганлиги тўғрисида гапирдилар. Область меҳнаткашлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг ҳажми 214 миллион сўмлик бўлди. Батан 198 минг тонна «оқ олтин», шу жумладан 11 минг тонна қимматли ингичка толали пахта олди. Дон етиштириш 1,4 баравар, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш 1,2 баравар, гўшт тайёрлаш 14 процент, сут тайёрлаш 10 процент, тухум тайёрлаш 17 процент кўпайди.

Пленум қатнашчиларининг нутқларида ҳали фойдаланилмаган имкониятлар ва резервларга алоҳида эътибор жалб қилинди. Пахтачиликни юксалтиришда ҳамон алмашлаб экишни тезроқ ўзлаштириш, химиялаштириш, минерал ва органик ўғитлардан оқилона фойдаланишга муҳим роль ажратилмоқда. Афсуски, областнинг кўпгина хўжаликлари бу резервдан суст фойдаланмоқдалар. Масалан, ўтган йили Қизилтепа районида ерга солинган ҳар бир килограмм азот эвазига бор-йўғи 10—12 килограммдан пахта олинган.

Бу республикадаги кўпгина илғор районларнинг кўрсаткичларидан пастдир.

Пленумда пахтанинг ялпи ҳосилини 240 минг тоннага етказиш ва унинг камида 80 процентини машиналар билан териб олишдан, беш йиллик мобайнида эса 1 миллион тоннадан кўпроқ пахта етиштиришдан иборат марра белгиланди.

Чорвачиликни янада ривожлантириш — Озиқ-овқат программаси амалга оширилиши муносабати билан қишлоқ меҳнаткашлари олдида турган энг асосий вазифаларнинг биридир. 1985 йилга бориб Навоий областида қўйлар кўпайиб 2,5—3 миллион бошга етади. Пленумда қайд этиб ўтилганидек, яйловлардан омилкорлик билан фойдаланиш, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, ем-хашак етиштиришни саноат асосига ўтказиш керак.

Озиқ-овқат программасини муваффақиятли равишда ғурмушга тадбиқ этмоқ учун сабзавот, мева, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум етиштиришни ҳам кўпайтириш зарур. Ҳозирча область 50 минг тонна, яъни киши бошига 83 килограммдан мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирмоқда. Ваҳоланки, нотиқлар айтиб ўтишганидек, мева ва сабзавот ялпи ҳосилини камида 3—4 баравар ошириш имкониятлари мавжуд.

Пленумда корхоналарнинг, далачилик бригадаларининг ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди. Бугунги кунда ҳамма жойда яна шундай хўжаликлар ташкил этилмоқда, лекин уларга ажратилган ер майдонларидан яхши фойдаланилмаяпти, чорва туёғи ва маҳсулот ҳажми секин кўпаймоқда. Ҳар бир корхона, ҳар бир далачилик бригадаси, ҳар бир ташкилот ёрдамчи хўжаликларга эга бўлиши керак.

Область партия ташкилоти қишлоқ меҳнаткашларининг уй-жой, маиший шароитларини, уларга хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида кўп иш қилишлари кераклигини нотиқлар таъкидлаб ўтдилар. Бир қанча посёлкалар ва қишлоқларни ободонлаштириш, уларни сув, иссиқлик, электр энергияси, газ билан таъминлаш ҳозирча талабга жавоб бермайди. Колхоз ва совхозларнинг марказий қўрғонлари кўпинча бош планларга риоя этилмасдан қурилмоқда, хутор системасини тугатиш борасидаги ишлар изчиллик билан олиб борилмаяпти.

Сўзга чиққан кишилар партия ташкилотларининг партия аграр сиёсатини амалга оширишга доир вазифаларини кўриб чиқа туриб, белгиланган планларнинг идеология жиҳатдан таъминланиши муҳимлигини қайд этдилар. КПСС Марказий Комитети май Пленуми ҳужжатларининг, Озиқ-овқат программасининг чуқур мазмунини ҳар бир меҳнаткашнинг қалбига етказиш — партия, совет ва хўжалик ходимларининг, пропагандистлар, агитаторлар, сиёсий ахборотчиларнинг бурчидир.

Пленумда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев нутқ сўзлади.

КРЕМЛДА СУҲБАТ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Куба Республикаси Давлат кенгаши ва Министрлар Совети Раисининг ўринбосари К. Р. Родригесни 29 июнь куни Кремлда қабул қилди. Иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик юзасидан ҳукуматлараро Совет—Куба комиссиясининг XII мажлиси муносабати билан Москвага келди.

Суҳбат давомида СССР билан Куба Республикаси ўртасида қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муттасил мустаҳкамланаётганлигидан мамнуният изҳор этилди. КПСС ва Куба Компартияси Марказий Комитетлари, шахсан Л. И. Брежнев ва Ф. Кастро шундай дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга доимо эътибор бермоқдалар.

Совет—Куба иқтисодий муносабатларининг ўзаро иқтисодий Ердам Кенгаши фаолиятида Совет Иттифоқи ва Кубанинг иштирок этишига доир бир қанча конкрет масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Агрессив империалистик доираларнинг ҳаракати туфайли халқаро вазият кескинлашган бир шароитда СССР билан Куба Республикаси ўрнатилган тинчликсевар давлатлар билан бирга империализм кучларининг тинчлик ва халқлар хавфсизлиги пойдеворини бўшаштириш йўлидаги уринишларга қарши бундан буён ҳам курашаверадилар, кескинликни юмшатиш йўлини, ижтимоий тузумга турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш йўлини қаттиқ туриб ўтказаверадилар, деб уқтириб ўтилди.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган суҳбатда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик юзасидан Совет — Куба ҳукуматлараро комиссияси совет қисмининг раиси К. Ф. Катушев ва Куба Республикасининг СССРдаги элчиси Р. Аниньо иштирок этдилар. (ТАСС).

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

30 июнда XVIII чақириқ халқ депутатлари Тошкент область Советининг биринчи сессияси бўлиб ўтди.

Депутатлар халқ депутатлари Советларининг КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорлари ва «СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программаси ва уни амалга ошириш тадбирлари тўғрисида» Ўртоқ Л. И. Брежнев шу Пленумда қилган докладидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди.

Сессия ташкилий масалаларни кўриб чиқди. Т. А. Алимов халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг раиси қилиб сайланди.

(ЎзТАГ).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

ЙИҒИМ-ТЕРИМ ТЕХНИКАСИ ТАХТ БЎЛСИН

Ҳа демай республика колхоз ва совхозларида ҳосилни йиғиштириб олиш ёппасига бошланади. Қишлоқ меҳнаткашлари экинлар парваришини авж олдириш билан бирга етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ва қабул қилинган социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун мавсумга имкон борича яхшироқ тайёргарлик кўришга интилмоқдалар.

«Озиқ-овқат программаси шу йилнинг ўзидаёқ дастлабки самараларини беришi лозим. Бу ҳол қишлоқ хўжалигидаги, бутун аграр саноат комплексидаги жамики ишлаб чиқариш циклига нисбатан оширилган талаблар қўяди», деган эди Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленумида қилган докладида. Ҳосил йиғим-терими деҳқонлар учун масъулиятли мавсум ҳисобланади. У деҳқонлардан ғайрат билан ишлашни, тадбиркорлик ва маҳорат кўрсатишни тақозо этади. Мана шунинг учун ҳам мавсумга олдиндан пухта тайёргарлик кўриш ва бунда қишлоқ хўжалик техникасининг шайлигига алоҳида эътибор бериш жуда муҳим. Техникани ўз вақтида, сифатли ремонт қилиш, агрегатларни икки сменада ишлаши учун ҳайдовчилар билан таъминлаш, далада ишлаётган машиналарга намунали техника хизмати кўрсатишни йўлга қўйиш тўғрисида ғамхурлик қилиш даркор.

Колхоз ва совхозлар, «Госкомсельхозтехника» бирлашмаларининг инженерлик хизмати олдида масъулиятли —ҳосилни йиғиштириб олишдан икки ҳафта илгари барча тракторлар, юк автомобиллари, прицеплар, маккажўхори ва шоли ўриш комбайнлари, пахта териш ва бошқа машиналарни ишга тўла шай этиш вазифаси турибди. Ҳосил йиғим-терими пайтида мавжуд машина-трактор паркининг бетўхтов, уюм билан ишлатилишига эришиш жуда муҳимдир. Колхоз ва совхозлар, «Госкомсельхозтехника»нинг ихтисослаштирилган устахоналари ишини икки сменада ташкил этиб, уларнинг қувватидан тўла фойдаланиш зарур. Техника ремонтига малакали механизаторларни, тажрибали ишчиларни жалб этиш, уларни зарур инструментлар, запас қисмлар ва материаллар билан таъминлаш даркор. Йиғим-терим техникаси тез ва соз тайёрланаётган колхоз ва совхозларда айнан шундай иш юритилмоқда. Бундай хўжаликлар Наманган, Бухоро, Сурхондарё областларида талайгинадир. Учқўрғон, Ғалаба, Комсомолобод, Чироқчи, Гагарин, Свердлов районлари хўжаликларида йиғим-терим машиналари муваффақиятли ремонт қилинмоқда.

Республиканинг кўпгина хўжаликлари машиналар ремонтини куздаёқ, дала ишлари тугаши билан бошлаб юборишган эди. Ҳозиргача кўплаб колхоз ва совхозлар машина-трактор паркини ишга тўла шай қилганликлари тўғрисида рапорт бердилар.

Аммо умумий аҳволни яхши деб бўлмайди. Айрим область ва районларда йиғим-терим техникасини ремонт қилиш бўйича ҳали катта ҳажмдаги ишларни бажариш вазифаси турибди. Қорақалпоғистон АССР, Навоий, Самарқанд ва Хоразм областларининг хўжаликлари маккажўхори ва силос ўриш комбайнларини тайёрлашда оқсамоқдалар. Бу областларда мавжуд комбайнлар паркининг учдан бир қисми ҳали ишга шайланган эмас. Андижон, Жиззах, Сирдарё, Фарғона областларида пахта териш машиналари паркининг ярми ремонтдан чиқарилди, холос. Хоразм областида эса машиналарнинг тайёрлиги атиги 40 процентни ташкил этади.

Маккажўхори ўриш комбайнларининг тайёргарлик даражаси Хатирчи, Жалолқудуқ, Кўҳитанг районларида 22—40 процентни, Тахтакўпир, Иштихон, Шовот районларида эса силос ўриш комбайнларининг тайёрлиги 22—30 процентни ташкил этади. Зарбдор, Меҳнатобод, Гурлан, Навоий, Қораўзак ва Жалолқудуқ районларида пахта териш машиналари паркининг учдан бир қисмигина ремонтдан чиқарилган. Ленинград районида эса мавжуд 115 та машинадан атиги 10 таси ишга шайланган, холос.

Бундай қолоқлик, биринчи навбатда, жойларда ишнинг яхши ташкил этилмаётганлиги, талабчанликнинг пастлиги ва машиналарни ремонт қилиш устидан назоратнинг бўшаштириб юборилгани билан изоҳланади. Бунга фақат қишлоқ хўжалик ходимларигина айблор эмас. «Союзмашхлопководство» ил мий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг айрим заводлари қишлоққа запас қисмлар, узеллар етказиб бериш графигини бузишмоқда. Бу эса ремонт ишлари суръатини пасайтирмоқда.

Яқинлашиб келаётган ҳосил йиғим-терим мавсумини материал-техника билан таъминлаш соҳасида «Госкомсельхозтехника» бирлашмаси ва унинг корхоналари зиммасига катта масъулият юкланган. Улар «Райсельхозтехника» устахоналаридаги терим техникаси ремонтини жадаллаштиришлари, запас қисмларни етарли миқдорда жамғариб қўйишлари даркор. Булар йиғим-терим пайтида деҳқонларга жуда асқотади. Кўчма устахоналарни олдиндан тайёрлаб қўйиш, уларни тажрибали ремонтчилар билан комплектлаш, ҳар бир районда машиналарга техника хизмати кўрсатувчи мастер-созловчилар бригадасини ташкил этиш даркор.

Ремонт сифатининг юксак бўлишини таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Афсуски, Тошкент, Самарқанд, Наманган, Бухоро ва Қашқадарё областларида йиғим-терим техникасини сифатсиз ремонт қилиш фактлари учрамоқда.

«Госсельтехнадзор» инспекторлари Пахтачи районидаги «Пахтакор», «Яккабоғ» районидаги «Правда», Ульянов номли, «Ленин учқуни», Свердлов районидаги «Коммунизм», Шофиркон районидаги «Ғалаба», Учқўрғон районидаги «Москва», Охунбобоев номли, Ургут районидаги Крупская номли ва Калинин номли колхозларда ремонтдан чиқарилган йиғим-терим техникасида кўплаб нуқсонлар борлиғини аниқладилар.

Ремонт ишларига жалб этилган механизаторлар сонини кўпайтириш, колхозлар, совхозлар ва «Госкомсельхозтехника» устахоналарида ишни икки сменада ташкил этиш, ремонтчиларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини намунали уюштириш йиғим-терим техникасини белгиланган муддатларда, сифатли тайёрланиши учун ремонтчилар ўртасида социалистик мусобақани кенг авж олдириш шу кунинг энг муҳим вазифаларидир.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ МАЙ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ТУРМУШИМИЗ КЎРКИ

Қишлоқни социал ривожлантириш, медицина ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш тадбирларини изчил амалга ошириш тараққиётимизнинг янги уфқларини белгилаб берган КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорлари ва шу Пленумда маъқулланган СССРнинг Озиқ-овқат программасида алоҳида таъкидланганлиги турмуш маданиятини кўтариш нақадар муҳим масала эканлигини кўрсатади.

Ҳақиқатдан ҳам меҳнат кишисига қулай шароит яратиб бермай, уларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириш чораларини кўрмай, турмуш маданиятини кўтармай туриб, тараққиёт планларини бажариш қийин. Шу боисдан ҳам партия ва ҳукуматимиз меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилаш тўғрисидаги ғамхўрликни экономикани ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрлик билан боғлаб олиб бормоқда. Район партия комитети КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорлари асосида турмуш маданиятини кўтариш бўйича ишлаб чиққан тадбирларини амалга оширишда бошланғич партия ташкилотлари, маҳаллий советлар, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ҳамда қишлоқ хўжалик органларининг активига таяниб иш кўрмоқда.

Меҳнаткашлар турмушига янгича урф-одат ва анъаналарни кенг сингдириш, эскилик сарқитларига қарши курашиш, ёшларни меҳнатсеварлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ана шу тадбирларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Мана, бир неча йиллдирки, районда аҳоли турмуш маданиятини кўтариш Совети фаолият кўрсатмоқда. Юқорида айтиб ўтилган тадбирларни амалга оширишга ана шу Совет раҳбарлик қиляпти.

Кейинги йилларда район хўжаликларида аҳолига маданий-маиший, медицина, савдо ва коммунал хизмат кўрсатадиган объектлар, мактабгача тарбия муассасалар кўплаб қурилганлиги турмуш маданиятини кўтариш, янгича анъаналарни пропаганда қилишда қўл келмоқда. Мисол тариқасида район марказида замонавий «Бахтиёр», хўжаликларда жанговар ва меҳнат шуҳрати музейлари қурилганлиги, марказий касалхонанинг янги биноси, 840 ўринли мактабгача тарбия муассасалари фойдаланишга топширилганлиги, хонадонларни газлаштириш, водопроводлаштириш ва телефонлаштириш борасида катта ишлар амалга оширилиб, янги йўллар қурилганлиги ва ободончилик ишларга бажарилганлигини таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда, ёшларни муносиб ўринбосарлар қилиб вояга етказишда совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари ўз аксини топган байрамларни тантанали равишда нишонлаш жуда катта роль ўйнайди. Шуни ҳисобга олиб, районимизда Улуғ Октябрь Социалистик революцияси, СССР Конституцияси, Ғалаба куни ва бошқа байрамлар алоҳида тайёргарлик билан, меҳнаткашларнинг актив иштирокида нишонланади. Ана шу саналарга бағишланган йиғилишлар, митинглар ва тантаналарда ёшларимиз революция, колхоз тузуми ва Улуғ Ватан уруши ветеранлари билан учрашадилар. Кексалар ўзларининг жанговар шуҳрат йўллари ҳақида гапириб берадилар. Ёшларимиз эса ўз отаоналари анъаналарига садоқатли бўлиш ҳақида гапирадилар. Шунингдек, ёшларни ҳарбий хизматга кузатиш, ўрта мактабларни битириб чиқаётганларга етуклик аттестати топшириш, уларни ишчи ва колхозчилар сафига тантанали қабул қилиш маросимлари ҳам кундалик турмушимизга сингиб бормоқда.

Бошқа байрамлар ва саналар қатори халқаро хотин-қизлар кунини кенг нишонлаш ҳам ўзига хос анъанага айланиб бормоқда. Кейинги йилларда шу кунга алоҳида тайёргарлик кўрилиб, район миқёсида ва хўжаликларда эзда қоладиган тарзда тантанали кечалар ўтказилмоқда. Масалан, Карл Маркс ва Ҳасанбой қишлоқ Советларида илғор хотин-қизлар шарафига бадиий кечалар уюштирилади. Бу кечаларда ишлаб чиқариш илғорлари республикамизнинг таниқли фан ва маданият арбоблари, шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар ва олимлар билан учрашадилар. Район хотин-қизлар Совети илғор сигир соғувчилар, пиллакорлар ва бошқа касб эгаларининг меҳнат шарафини улуғлашга бағишланган тантаналарни ташкил этади. Пойтахтдаги театрлардан бирида ўтадиган бу тантаналар ижодий коллективлар учрашуви билан якунланади.

Совет кишилари меҳнатга янгича коммунистик муносабатда бўлишни бебаҳо маънавий мерос сифатида қадрлайдилар. Доҳий В. И. Ленин туғилган кун муносабати билан ўтказиладиган коммунистик шанбаликлар, ишчи касбини шарафлаш, ишлаб чиқариш илғорларини қутлаш, ишчи сулолаларини шарафлаш анъаналари районимиз меҳнаткашлари турмушига кенг сингиб бормоқда. Бундай байрамлар, кечалар аввало ишчилар ва колхозчилар сафига келиб қўшилаётган ёшларни меҳнат анъаналари руҳида тарбиялаш, ўзлари таплаган касбга нисбатан қизиқишларини қучайтириш, меҳнат туфайли яратилган бойликларни юксак қадрлашга ўргатишда жуда қўл келмоқда. Ўрта мактабни битириб, чорвачилик фермаларида меҳнат қилиш истагини билдирган ёшлар машҳур сигир соғувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мунаввара Исҳоқова билан бўлган учрашувни узоқ вақтлар эслаб юришади.

Ильич номли колхозда Умматовлар сулоласига бағишланган кеча ҳам жуда мазмунли ўтди. Колхознинг сут-товар фермасида ана шу оиланинг олти вакили меҳнат қилишади. Тўрт опа-сингил илғор сигир соғувчи, коммунистик меҳнат зарбдори сифатида ота-оналарининг меҳнат анъаналарини юксак қадрлаб, давом эттирмоқдалар. Уларнинг меҳнат шарафига бағишланган кечада фақат улар эришаётган натижалар ҳақида эмас, умуман, ўрта мактабни битириб, чорвадорлик касбини шарафлаётган ёшлар, уларга яратиб берилаётган қулай меҳнат шароитлари ҳақида гап борди.

Районда «Наврўз» байрамини замонавий анъана сифатида ўтказишга алоҳида эътибор бериляпти. Эндиликда наврўз тантаналари ҳар қандай диний тушунчалардан ҳоли, меҳнат байрами, баҳор байрами, халқ сайили сифатида ўтказиляпти.

Меҳнаткашлар турмушига янги урф-одат ва анъаналарни жорий этиш район комиссияси корхоналар, ташкилотлар, колхоз ва совхозлар, маҳалла комитетлари ҳузуридаги группа аъзолари кўмагида катта ташкилотчилик ишларини амалга оширмоқда. Маҳалла комитетлари совет байрамлари, меҳнат ветеранларининг туғилган кунларини нишонлаш, оилавий тантаналарни ташкил этиш ва ўтказиш ишида район комиссиясига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Янги анъаналар давр талаблари асосида шакллананди ва уларни меҳнаткашлар турмушига сингдириш учун доимий равишда пропаганда ишларини олиб боришни талаб қиладн. Эскилик ўз жойини осонликча янгиликка бўшатиб бермаганидек, ҳар қандай прогрессив анъана ҳам халқ турмушига ўзича сингиб бормайди. Бунинг учун партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари кенг ташкилотчилик ва пропаганда ишларини олиб боришлари лозим.

Кейинги йиллар тажрибаси халқ турмушига прогрессив анъаналарни сингдиришда халқ университетлари нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини исботлади. Районимиз халқ университетида машғулотлар ҳам назарий, ҳам амалий тарзда олиб борилади. Чунончи, амалий машғулотларда уй бекаси рўзғор буюмларини жой-жойига қўйиш ва хонани шинам қилиб безатишни ўрганади. Энг муҳими, санитариягигиена қоидаларига риоя қилиш, болаларни шу кун талаблари асосида тарбиялаш бўйича маълум тушунчалар олишади. Айни пайтда барча қишлоқ советларида халқ университетининг филиаллари ишлаб турибди. Халқ университетининг район совети ўқув йили бошлангунга қадар машғулотлар планини ишлаб чиқади. Ҳар бир тингловчи ўқув программаси билан таъминланиб, қайси темалар бўйича кимлар лекция ўқишидан хабардор қилинади. Шунингдек, семинар машғулотлари учун ҳам махсус планлар тузилади.

Халқ университети машғулотлари ва семинарларида район ташкилотларининг раҳбарлари, қишлоқ Советларининг вакиллари, таниқли олимлар ва мутахассислар қатнашадилар. Кейинги машғулотларда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Юсупов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти директори, тарих фанлари доктори Ҳ. Турсунов, филология фанлари доктори, профессор А. Қаюмов ва бошқа таниқли олимлар қатнашганлиги фикримизнинг далилидир. Шунингдек, машғулотларга кўпни кўрган, меҳнат намунаси билан бошқаларга ибрат бўлган ветеранлар, ишлаб чиқариш пешқадамлари, республика ва область советининг депутатлари ҳам таклиф этилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленумида тасдиқланган «Қишлоқ аҳолисининг уй-жой, коммунал-маиший ва социал-маданий турмуш шароитларини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорда қишлоқ аҳолисига маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, клуб муассасалари, кутубхоналар ва спорт иншоотларини кенгайтириш, меҳнаткашларнинг соғлигини сақлаш, уларга медицина хизмати кўрсатиш маданиятини кўтариш борасидаги вазифалар белгилаб берилди. Бу ўз навбатида меҳнат кишисининг дам олишини намунали ташкил этиш, бўш вақтини кўнгилли ўтказиш, соғлигини мустаҳкамлаш ва яхши ҳордиқ чиқаришига имкон яратади.

Район партия ва совет ташкилотлари ана шу вазифаларни оғишмай амалга ошириш, Озиқ-овқат программасининг бажарилишига ҳисса қўшиш учун курашаётган меҳнаткашларга қулай шароитлар яратиб бериш юзасидан қўшимча тадбирлар белгилади. Ана шу тадбирларда бошқа масалалар қатори меҳнаткашлар турмушига янгича урф-одат ва анъаналарни кенг сингдириш, шу асосда қишлоқда турмуш маданиятини шу кун талаблари даражасига кўтаришга ҳам эътибор берилган.

Бутун республикамиз меҳнаткашлари қатори районимиз аҳли ҳам СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга ошириш учун бошланган курашга актив қўшилиб, СССР ташкил этилган кунинг 60 йиллик тўйини меҳнат совғалари билан кутиб оладилар.

Ҳ. САЙДАЛИЕВА,
Тошкент район партия комитетининг секретари.



Жиззах область Арнасой районидаги маккажўхорчиликка ихтисослашган Соколовский номли совхоз деҳқонлари ҳосил ўрим-йиғимига пухта тараддуд кўрмоқдалар. Хўжаликда маккажўхори ўриш агрегатлари асосан тахт қилиб қўйилди.

СУРАТДА: совхоз директори Носир Шодиев (ўртада) механизаторлар билан бирга ремонт сифатини кўздан кечирянти.

А. ЖДАНОВ фотоси.

АМУДАРЁДАН ЧЎЛГА

Сурхондарё областида қурилаётган бўлғуси «Искра» насос станцияси биносини йўғон қувурлар канал билан боғлади. Насос ҳайдайдиган Амударё суви шу канал орқали 20 метр баландликка кўтарилади ва шундан сўнг Шеробод чўлига оқади.

Ҳозир станция жадал суратлар билан қурилмоқда. Гидроиншоот қувурчилар канал ўзанига бетон ётқизмоқдалар. Амударё суви шу ўзан орқали пахта далаларига ёйилади. Янги станция ишга туширилгач, Гагарин ва Шеробод районларида юз минг гектар пахтазор сувга сероб бўлади. Шу йил станциядаги тўртта агрегатдан иккитасини ишга туширишга қарор қилинди.

(ЎзТАГ мухбири).

ВАТАН ХАВФСИЗЛИГИ ПОСБОНЛИГИДА

ҲАРБИЙ АКАДЕМИЯЛАРНИ БИТИРИБ ЧИҚУВЧИЛАР ШАРАФИГА КРЕМЛДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

30 июнь куни Катта Кремль саройида ҳарбий академияларни битириб чиқувчилар шарафига қабул маросими бўлиб ўтди. СССР Мудофаа министрлиги ҳамда Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармаси уюштирган қабул маросимида СССР Қуролли Кучлари, қардош социалистик мамлакатлар армияларининг совет олий ҳарбий ўқув юртларида ўқишни муваффақиятли тугатган генераллари, адмираллари ва офицерлари, армия ва флот учун ғоявий чиниққан, юқори малакали кадрлар тайёрлаб берган профессорлар ва муаллимлар ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитети бўлимларининг мудирлари И. Ф. Димитриев, Н. И. Савинкин, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. Н. Пастухов, СССР Министрлари, СССР Давлат комитетларининг раислари, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарлари, бошқа таниқли ҳарбий бошлиқлар ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида йиғилиш аҳли самимий кутиб олган Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов нутқ сўзлади. У битириб чиқувчиларни ва ҳарбий академияларнинг бутун шахсий составини навбатдаги юқори малакали ҳарбий мутахассислар чиқарилиши билан қутлади ҳамда ўқиш туғаши муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, СССР Мудофаа Кенгашининг Раиси, Совет Иттифоқи Маршали Л. И. Брежневдан уларга жанговар салом, самимий қутловлар ҳамда бундан кейинги ишларига яхши истаклар топширди.

Сўнгра Д. Ф. Устинов КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг ҳарбий академияларни битириб чиқувчиларга табрикномасини ўқиб эшиттирди ва қўшилмалар, қисмлар, кемалар шу табрикка жавобан жанговар тайёргарликни ошириш устида ҳормай толмай актив ижодий иш олиб борадилар, деб ишонч билдирди.

СССР мудофаа министри академияларни битириб чиқувчилар кўп миллатли Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 60 йиллиги — шонли юбилей йилида ўз хизматларининг янги босқичига кираётганлигини айтди. Совет халқи ва унинг қуролли кучлари шу юбилейни ўн биринчи беш йиллик планларини, КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини бажаришда янги-янги ютуқлар билан нишонлашга тайёргарлик кўрмоқдалар, деди.

Коммунистик партия, Совет давлати коммунизм қурилиши учун тинч шароитларни таъминлаш мақсадида ҳамма ишларни қилмоқда. Нотиқ империализм агрессив кучларининг айби билан гоятда кескинлашиб кетган ҳозирги халқаро вазиятни таҳлил қилиб, партиямиз кескинликни юмшатиш учун, матонатли ва собитқадам курашни давом эттирмоқда ва шу билан бирга мамлакатнинг мудофаа қобилиятини тегишли даражада сақлаб турмоқда, деб таъкидлади. Бутун халқнинг ғамхўрлиги туфайли қуролли кучларимиз техника жиҳатидан муттасил юксалиб бормоқда. Ҳарбий маҳорат даражаси ўсмоқда, Совет жангчилари маънавий сиёсий жиҳатдан чиниқмоқда.

Совет Қуролли Кучлари Варшава шартномасидаги қардош армиялар ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг армиялари билан битта жанговар сафда ўсиб, социалистик ва социал тараққиёт ишки бўюк ғалабаларини, тинчлик ва социал тараққиёт ишки пухта ҳимоя қилмоқдалар.

Д. Ф. Устинов ҳарбий академияларни битириб чиқувчилар ҳал этиши лозим бўлган баъзи вазифаларга тўхталди.

Пировардида СССР Мудофаа министри партия Марказий Комитетини, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтириб айтдики, юбилей йилида академияни битирган офицерлар ўзларининг ватанпарварлик ва интернационал бурчларини намунали бажарадилар, қуролли кучларнинг жанговар қудрати ва жанговар тайёргарлигини муттасил ошириб борадилар, совет халқининг тинч меҳнатини ҳамда социалистик Ватанимиз, социалистик ҳамдўстликдаги барча мамлакатларнинг хавфсизлигини хушёр туриб қўриқлайдилар.

Қабул маросимида Ф. Э. Дзержинский номидаги ҳарбий академияни битириб чиққан подполковник В. Чурилов, К. Е. Ворошилов номидаги СССР Қуролли Кучлари Бош штаби академиясини битирган Чехословакия халқ армиясининг подполковник-инженери Л. Шигут, Ю. А. Гагарин номидаги ҳарбий ҳаво академияси кафедрасининг бошлиғи, авиация генерал-майори профессор Г. Суглобов нутқ сўзладилар.

Ҳарбий академияларни битириб чиқувчилар шарафига қабул маросими самимий вазиятда ўтди.

(ТАСС)

Гагарин районидаги «Пограничник» совхози сут-товар фермасининг илғор сигир соғувчиси, ёш коммунист Хосият Аҳмедованнинг қарамоғида 30 бош соғин сигир бор. У юбилей йилида ҳар бош сигирдан 4500 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олишга аҳд қилган. Ҳозир пешқадам чорвадор зиммасидаги мажбуриятни бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқда.

А. Амиров фотоси.

РЕВОЛЮЦИОН КЎТАРИЛИШ МУҚАДДИМАСИ

ТУРКИСТОНДА САПЁРЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ БОШЛАНГАНИГА 70 ИЙЛ ТЎЛДИ

Россияда биринчи рус революциясидан сўнг бошланган реакция даври узоққа чўзилмади. 1910 йилнинг ўрталарида янги вазият вужудга келди. Столипин реакцияси қанчалиқ қутирмасин, у халқнинг озодлика ва ўз турмуш шароитини яхшилашга бўлган интилишини йўқота олмади. Золимларга бўлган нафрат янада кучайди.

Большевикларнинг янги революцион кўтарилиш муқаррарлиги ҳақида олдиндан айтган фикрлари тўғри бўлиб чиқди. Айниқса, Сибирдаги олтин конларида юз берган конли фожиа оммаларнинг революцион кайфиятининг кўтарилишига сабаб бўлди.

Рус халқининг энг яхши демократик традицияларининг вориси бўлган рус пролетариати миллий зулмнинг ашаддий душмани сифатида, чор Россиясида қулликка солинган барча миллатларнинг содиқ дўсти сифатида майдонга чиқди. Рус пролетариатнинг озодлик кураши миллий чекка ўлкаларга катта революцион таъсир кўрсатди, бу кураш мамлакатнинг ҳамма районларига, шу жумладан, Ўрта Осиёга ҳам ёйилди.

Туркистонда маҳаллий ишчилар синфидан иборат янги илғор ижтимоий куч ўсиб ва мустаҳкамланиб борди. Сиёсий жиҳатдан кўпроқ етук ва уюшқоқ бўлган рус ишчилар синфи Умумроссия пролетариати вакиллари сифатида маҳаллий ишчиларнинг ва умуман меҳнаткашларнинг раҳбари, маслаҳатгўйи ва тарбиячиси бўлиб майдонга чиқиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ваҳшиёна эксплуатация ва муттасил миллий камситиш шароитида рус ва маҳаллий ишчилар ўртасида қардошларча бирдамлик туйғуси, ўз ҳуқуқлари учун курашишга интилиш юзага кела борди. Туб аҳоли рус ишчиларидан ўрнак олиб, капиталистик эксплуатация, мустамлакачилик зулмига ва чоризмга қарши кураша дадилроқ отлана бошлади.

Туркистон ўлкасида революцион ҳаракатларнинг жонланиши чор маъмуриятини жиддий ташвишга солиб қўйди. 1912 йил январидаёқ «Туркистанские ведомости»да генерал-губернатор Самсоновнинг буйруғи чиқди. Бу буйруқда «революцион қўшиқлар айтиш», шунингдек, «давлат тартибини ва жамоатчилик осойишталигини бузишга қаратилган тартибсизликларга ундаш» тақиқланди. Полиция ва охранка ҳушёрликни кучайтириб, Тошкентнинг йирик корхоналарини алоҳида назорат остига олди. Корхоналарга қўққиссдан бостириб келиб, тинтувлар ўтказиб турилди.

1910—1913 йилларда социал-демократик тўгараклар ва ташкилотларнинг яна юзга келганлиги Туркистон ишчилар оммаси ва меҳнаткашларнинг революцион онгини уйғонишига ёрдам берди. Янги революцион юксалиш даврида революцион социал-демократия намояндаларининг Туркистонга келишлари катта аҳамиятга эга бўлди. Ўлкага келган большевиклар —Н. В. Шумилов, И. Т. Фиолетов, В. Н. Финкельштейн, П. Лапин, В. С. Ляпин, В. Я. Вахнин, Я. Е. Житников ва бошқалар Туркистонда социал-демократик ташкилотларнинг тикланиши ва ривож топиши учун кўп иш қилдилар.

Шу тариқа, маҳаллий революцион социал-демократия йирик корхоналарнинг ишчилари орасида ва зиёлилар ичида, шунингдек, округ-нинг ҳарбий қисмлари ичида бевосита иш олиб борди. Унинг таъсирида Туркистонда революцион ҳаракат янада кучайиб кетди.

Туркистондаги ишчи ва деҳқонлар революцион ҳаракатининг юксалиши ҳарбий қисмларнинг аҳволига ҳам сезиларли таъсир кўрсата бошлади. Ишчиларнинг чиқишлари тобора кўпроқ солдатлар оммасининг революцион кураши билан қўшилиб кетар, уларнинг талаблари ҳам тобора кўпроқ муштарак бўлиб борарди.

1912 йилнинг ўрталарида ўлканинг ҳарбий қисмларида тез-тез солдатларнинг норозилик ғалаёнлари бўла бошлади. Шунинг учун ҳам ўлка большевиклари ҳарбийлар ўртасида актив иш олиб бордилар. Революцион ташкилотларнинг таъсири Тошкент яқинидаги Троицкий лагерларидаги сапёрлар орасида айниқса, кучли эди.

Езда Троицкий лагерларида сапёрлар, артиллеристлар, ўқчиларнинг нолегал йиғинлари тез-тез бўлиб турди. Бу йиғинларда Россиядаги революцион ҳаракатлар тўғрисида, Лена воқеалари ҳақида гапиришар, солдат хизматини енгиллаштириш талабларини илгари суришарди, бўлажак қўзғолон хусусида ҳатто «хитобнома» лойиҳаси ҳам тузилган эди.

Самодержависни ағдариш ва «меҳнат аҳли ҳокимияти»ни ўрнатиш қўзғолоннинг пировард мақсади эди. Шунинг учун сапёрларнинг ҳарбий ташкилоти ишчилар ва маҳаллий социал-демократлар билан алоқани йўлга қўя борди. Қўзғолонни ўз кўзи билан кўрган ва унда иштирок этган сапёрлар ўз хотираларида, баъзан сапёрлар «Тошкент шаҳрининг эркин ташкилоти билан алоқа қилиб турар эдилар», умуман сапёрлар «ўз тайёргарлик ишларини Тошкент ишчилари ва жанговар дружиналар билан боғлашга» интилар эдилар, деб кўрсатиб ўтадилар. Бироқ, эсерларнинг таъсири натижасида қўзғолонга тайёрланувчи сапёрлар Тошкент пролетариати ҳамда ҳарбий қисмлар билан яхши алоқа ўрнатмадилар. Асосий социал-демократик группа ва унга қўшилган ишчилар лагерларда қўзғолонга тайёргарлик ҳақида ҳатто ҳеч нарса билмас эдилар... Қўзғолон 1912 йил 1 июль куни кечкурун бошланди. Сапёрлар ўз командирларини қуролсизлантира бошладилар. Бироқ, 2-батальон командирлари лагерь штабини огоҳлантиришга улгурган эдилар. Қўзғолончиларга қарши ўт очиш буюрилди.

Қўзғолон ҳақидаги хабар Тошкентга кечаси соат 11 да етиб борди. Уни бостиришга қўшимча кучлар юборилди. Сапёрларга қарши ўртта пиёдалар полки қисмлари ва отлиқлар, 6-Оренбург казаклар полки, ҳатто артиллерия дивизионининг батареяси юборилди. Қўзғолончилар саросимага тушиб, қаршилик кўрсатишни тўхтатадилар. Сапёрлар ҳаракатини бошқа ҳарбий лагерлар қўшинлари қувватламадилар. Қўзғолон 2 июля ўтар кечаси бостирилди. Қўзғолон давомида ҳукумат қўшинларидан 5 офицер ва бир солдат ўлдирилди, 2 офицер ва 12 солдат яраган бўлди, қўзғолончилардан 20 солдат ўлди ва 40 солдат яраланди. Шу тариқа стихияли, старли даражада тайёргарлик кўрилмаган ҳарбийлар исёни мағлубиятга учради.

Туркистондаги сапёрлар қўзғолони мағлубиятга учраса-да, ўлкадаги революцион ҳаракатларнинг кенгайишига сабаб бўлди. Бу ғалаён мустамлакачи маъмурларни ва чор ҳукуматини таҳликага солиб қўйди. Негаки, бошланиб кетган революцион юксалиш шарқий чекка ўлкалардаги чор армиясини ҳам қамраб олганди.

Чор ҳукумати қўзғолончиларни шафқатсизлик билан жазолади. 14 киши осиб ўлдиришга ҳукм қилинди, 18 киши умрбод каторгага, 62 киши 15 йиллик каторгага ҳукм қилинди, қолганлари ҳам турли муддатларга каторгаларга ҳукм қилинди.

Ўлимга ҳукм этилганларни 1912 йил 12 августда қатл қилдилар. Кўпгина офицерлар «қўзғолон пайтида ўзини кўрсатмаслик»да айбланиб, унвонлари олиб ташланди, ишдан ҳайдалди ва бошқа жазо чоралари кўрилди.

Бироқ муваффақиятсиз чиққан бу қўзғолонлар доҳий Ленин кўрсатиб ўтганидек, «муваффақиятли қўзғолонга» ўргатди.

Бу қўзғолон ва унинг мағлубияти Туркистон меҳнаткашларини планли ва программа асосида революцион иш олиб боришга ўргатди. Большевиклар партияси раҳбарлигида ўлкада социалистик тузум ўрнатилди.

Қ. ЭРГАШЕВ,
Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти КПСС тарихи кафедрасининг катта ўқитувчиси, тарих фанлари кандидати.

«БУ БИЗНИНГ АДАБИЁТИМИЗ БАЙРАМИ БЎЛДИ»

Совет Иттифоқида Афғонистон адабиёти кунлари нишонига етди. Адабиёт кунлари Озарбайжон ва Узбекистонда бўлиб ўтди. Афғонистон адиблари совет қаламкаш биродарлари билан учрашдилар, интернационал шеърият кечаларида иштирок этдилар, афғон шоирларининг шеърлари колхозларда янгради.

— Бу бизнинг адабиётимизнинг чинакам байрами бўлди, — дейди Афғонистон делегациясининг раҳбари Абдулло Ноиби. — Москвадан то Боку ва Тошкентгача бўлган бутун йўл давомида биз совет кишиларининг энг эзгу муносабатларини ҳис этиб турдик. Биз учрашган кишиларнинг ҳаммаси бизга қардошларча муносабатда бўлдилар. СССРда Афғонистон адабиёти кунларини биз муҳим сиёсий аҳамиятга молик бўлган катта воқеа, байрам, деб биламиз. Бу байрам Афғонистоннинг революция ёзувчиларига, маданиятимизнинг барча арбобларига революциянинг тўла ғалабаси учун курашда янги-янги куч бахш этади.

Одамлар социалистик тузум шароитида нималарга эришишлари мумкинлигига биз Озарбайжон ва Узбекистонда қаноат ҳосил қилдик. Масалан Улуғ Октябрга қадар ана шу республикалар бизнинг мамлакатимиз каби қолоқ бўлганлигини биламиз. Бугунги Узбекистон тўғрисида ғоят зўр завкшавқ билангина гапириш мумкин! Совет Иттифоқида кўрган нарсаларимизнинг ҳаммаси тўғрисида, деҳқонларнинг турмуши ҳақида, қурилишлар тўғрисида, санъат, адабиётнинг ривож топганлиги ҳақида, совет кишиларининг афғон халқига чинакам қардошлик муносабатлари тўғрисида биз юртдошларимизга ҳикоя қилиб берамиз.

— Самимий дўстнинг мададини ҳис этиш катта бахтдир, — деди пировардида Абдулло Ноиби, — Совет кишиларининг қалби биз билан бирга эканлигини биламиз. Шундай мадад берилиётган экан биз революциямизнинг ғалаба қозонишига албатта эришамиз, янги ҳаётни барпо этамиз.

(ЎзТАГ).

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

БИР-БИРИГА ШОГИРД, БИР-БИРИГА УСТОЗ

Пойтахт Тошкент ва қўриқ Жиззах областларнинг меҳнаткашлари кўп йиллардан бўён мусобақалашиб келадилар. Бу икки навқирон область ўртасида қарор топган мустаҳкам дўстлик ва ҳамкорлик ҳар соҳада тўла намоён бўлмоқда, қувончли самаралар бермоқда. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш, фан ва маданиятни ривожлантиришда тўпланган тажрибаларни ўртада баҳам кўриш, қамкор ва ҳамжиҳат бўлиб меҳнат қилиш яхши анъана бўлиб қолди. Шу туфайли Тошкент области ҳам, Жиззах области ҳам экономика ва маданиятни юксалтиришда, илғор иш усуллари ва фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишда яхши натижаларга эришмоқда, давлат планлари, социалистик мажбуриятлар орттириб адо этилмоқда.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ва «ЖИЗЗАХ ҲАҚИҚАТИ» газеталарининг кечаги қўшма сони ана шундай яқин ҳамкорлик, дўстлик алоқаларига бағишланди. Тошкент ва Жиззах область партия комитетларининг секретарлари А. Хўжаев ва С. Нишонов, Ғалаба районидаги «Узбекистон ССР 5 йиллиги» совхози звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Совети депутати Э. Алиев, Мирзачўл районидаги «Узбекистон» совхози директори, Узбекистон ССР Олий Совети депутати И. Охуноза ва бошқа ўртоқларнинг мақолаларида социалистик мусобақа амалда қандай натижалар бераётгани, юбилей йили мажбуриятларини эгаллаш йўлида олиб борилаётган фидокорона кураш ҳақида мароқли ҳикоя қилинган. Газетада мусобақадош областларнинг социал-иқтисодий ва маданий ҳаётини акс эттирувчи ранг-баранг корреспонденция, ахборот, шунингдек, янги шеърлар босилган, жозибали фотосуратлар билан безатилган.

Мазкур қўшма сон ҳар икки редакция коллективининг СССР 60 йиллиги олдидан тайёрлаган муносиб ижодий армуғони бўлди.

САБАБЛАР ВА САБОҚЛАР

ГУЛИСТОН ЁҒ-ЭКСТРАКЦИЯ ЗАВОДИ ИШГА ТУШИРИЛГАНИГА ЭНДИГИНА ИККИ ИИЛ БЎЛДИ. ЛЕКИН ҲОЗИРНИНГ ЎЗИДАЁҚ ИККИНЧИ МАРТА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНЯПТИ

...Апрель ойининг сўнги декадаси тугаётган эди. Гулистон ёғ-экстракция заводининг иккинчи сменаси диспетчери Муса Зияев хом ашё омборининг бригадирига тўсатдан қўнғироқ қилиб қолди:

—Алло, Хабибов, яна нима бўлди? Қўшниларингизга хом ашё етказиб беришни тўхтатиб қўйганмишсиз. Улар хавотирланишяпти, конвейер яна тўхтаб қолди.

Зияев содир бўлган аҳволни дарров фаҳмладида, ўша ерга ремонтчи-слесарлар группасини юборди. Ўзи эса журналга тўхтаб қолиш вақти ва сабабини қайд этар экан, шундай деб ўйлади: «Яна бошланди. Ҳозир барча цехлардан, айниқса сепарат цехидан сигналлар кела бошлайди. Адҳам Асқаралиевнинг экстракция цехида бирон-бир қурилма ёки ускунанинг ишдан чиқиш хавфи туғилади. Аввал ҳам ҳамкасбининг навбатчилигида худди шундай воқеа юз берганди. Яна реконструкция бошланмасайди»..

Реконструкция. Бу сўзни бир неча ўн, йиллаб ишлаётган корхоналардаги ҳар жиҳатдан эскирган ускуналарни алмаштириш жараёнида қўллашга одатланганмиз. Гулистон ёғ-экстракция заводи эса бор-йўғи икки йил илгари — 1980 йилнинг май ойида фойдаланишга топширилган. Ана шу қисқа вақт мобайнида заводда иккинчи марта реконструкция ишлари амалга оширилянти. Бунга сабаб нима? Аҳволни кенгроқ тасаввур қилиш учун бир неча йил орқага қайтамиз.

1971 йили Гулистонда суткасига 400 тонна пахта чигитини қайта ишлаш қувватига эга бўлган ёғ-экстракция заводини қуришга қарор қилиниб, ун 1977 йили ишга тушириш кўзда тутилганди. Корхонанинг лойиҳасмета ҳужжатларини тайёрлаш ўша пайтда «Средазнипишпром» институтига қарашли бўлган «Гипропишпром—3»нинг Тошкент филиалига юклатилди. Лойиҳанинг деярли 60 проценти тайёр бўлганида эса Иттифоқ озиқ-овқат саноати министрлиги мазкур заводнинг қувватини суткасига 800 тонна чигитни қайта ишлаш даражасига етказиш ҳақида кўрсатма берди. 1975 йилнинг 29 августида тайёр бўлган лойиҳани юқорида тилга олинган министрлик тасдиқлади.

1976 йилнинг январь ойидан бошлаб Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг 7-трести мазкур заводни барпо этишга киришди. Иш энди юришиб кетадигандек туюлган эди. Лекин қурилиш бошлангандан сўнг икки ой утгач корхона технологиясига яна ўзгартириш киритилди. Унинг асосий цехи экстракция линиясига суткасига 1200 тонна хом ашёни қайта ишлаш имкониятига эга бўлган чет эл ускуналарини монтаж қилишга қарор қилинди. Натижада лойиҳасмета ҳужжатларга кўпгина тузатиш ва ўзгартиришлар киритилди. Чет элдан олинган бундай ускуналардан ҳеч қаерда пахта чигитини қайта ишлашда фойдаланилмаган эди. Умуман экстракциянинг бир йўла маҳсулот олиш схемасидан мамлактимизда биринчи бўлиб эндигина қўлланилаётган эди. Бундан ташқари ёрдамчи цехлардаги қурилмалар мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқарилган бўлиб, табиийки асосий цехдаги чет эл ускуналарига унчалик мос тушмасди. Шундай бўлсада, ишлилинч равишда қайта тайёрланган лойиҳа тасдиқдан ўтказилиб, қурилиш давом эттирилди.

Завод битгунгача бўлган қийинчиликлар, номутаносибликлар ҳолва экан. Асосий асаббузарликлар, мушкулликлар корхона фойдаланишга топширилгандан кейин бошланди. Завод цехларидаги дам у қурилма, дам бу ускуна тез-тез ишдан чиқиб, технология соатлаб, ҳатто бир неча кунлаб тўхтаб қолди. Натижада ишда унум бўлмади, **бирон ой ҳам завод лойиҳадаги қувват даражасида ишлай олмади. Корхона ишга туширилган 1980 йили заводнинг кунлик ўртача иш унуми бор-йўғи 121 тоннани ташкил этди. Ваҳоланки, лойиҳа қуввати бўйича у қунига 1200 тонна чигитни қайта ишлаши лозим. Яъни завод 1980 йили ўз қувватининг 10,1 процента даражасида ишлади.** Лак-бўёқ саноати учун мўлжалланган ёғ ишлаб чиқариш пландаги 19924 тонна ўрнига бор-йўғи 2183 тоннани ташкил этди.

1981 йили ҳам аҳвол сезиларли ўзгаргани йўқ. Корхонанинг лойиҳадаги даражасидан фойдаланиш 33,6 процентни ташкил этди. Яъни йил давомида суткасига ўртача қайта ишланган пахта чигити 403,5 тонна бўлди. Ўз-ўзидан маълумки, белгиланган план-топширилар бажарилмай қолди. Буни рақамлар тили билан ифодалайдиган бўлсак, лак-бўёқ саноати учун мўлжалланган ёғ ишлаб чиқариш пландагидан 5981 тонна кам бўлди. Истеъмол учун мўлжалланган ёғ ишлаб чиқариш плани эса 12593 тоннага кам бажарилди. **Белгиланган планларнинг бажарилмаслиги ускуна ва қурилмаларнинг ишдан чиқиб, технологиянинг тўхтаб қолиш оқибатидир. Масалан, 1981 йилнинг ўзида корхона 216 кун ишлаган бўлса, 99 кун тўхтаб турди.** Буларнинг ҳаммаси, табиийки, заводнинг молиявий аҳволига катта таъсир этди. Ўтган йилнинг 1 декабрига келиб давлат банкидан корхонага берилган муддати узайтирилган қарз 2 миллион 965 минг сўмни, хом ашё етказиб берувчи ташкилотларга тўланиши лозим бўлган қарз эса 970 минг сўмни ташкил этди.

Корхонанинг бундай қониқарсиз ишлашига асосий сабаб нима? Бу саволга завод директори А. Г. Ем қуйидагича жавоб берди:

—Бизнингча, бунинг асосий сабаби лойиҳалашда, корхона цехларини қуришда, ускуна ва қурилмаларни монтаж қилиб, созлашда кўпгина камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилганлидадир. Корхонанинг барча участкаларида — темир йўлдан юкни автоматик равишда қабул қилиб олиш қурилмасидан тортиб, асосий ва ёрдамчи цехларда ўнлаб нуқсонларга йўл қўйилган. Ана шулар икки йилдан бери заводнинг бир маромда ишлашига йўл бермай келяпти.

Директор кўп жиҳатдан ҳақ. Завод лойиҳаси кўп марта ўзгартирилганлиги сабабли унинг бир қатор участкаларидаги жараёнлар номувофиқ бўлиб қолган. Республика Қурилиш министрлигининг 7-трести қурувчилари ҳам кўпгина ишларни сифатсиз бажаришган, технологиянинг бузилишига олиб келувчи нуқсонларга йўл қўйишган. «Оргпишчепром» трестининг Тошкент монтаж-ишга туширш бошқармаси эса ускуналарни шошма-шошарлик билан монтаж қилган. Бу—кўпгина техникавий хатоликларга олиб борган.

—Лойиҳалаш ва қуриш жараёнида ишнинг ўзига хос хусусиятлари тўла ҳисобга олинмаган, — дейди завод сепарат цехининг бошлиғи Хусан Шукуров. —Масалан, ишни бир маромда олиб бориш учун тозаланган чигит магазидан анча миқдорда запас сақланиши лозим. Бунинг учун эса цехла катта сиғимдаги идиш бўлиши керак. Лойиҳада ва қурилиш жараёнида ана шундай идиш кўзда тутилмаган. Бундан ташқари цехда ифлосланиш нормадагидан бир неча баравар ортиқ бўларди. Ана шу нуқсонлар бизга экстракция цехи учун етарлича иш фронти яратиб бериш имконини бермасди. Бу эса корхонанинг умумий иш фаолиятига катта таъсир қиларди. Шунинг учун ҳам ўтган йилнинг декабрида заводнинг бир қатор участкаларида, шу жумладан бизнинг цехда биринчи реконструкция ишлари бошланди. Шу йилнинг 19 февралида эса биринчи реконструкция тугалланиб, корхона яна ишга туширилди. Эндиликда зарур миқдорда чигит магазидан запас сақлаш имкониятига эгамиз. Лекин энг қизиғи шундаки, биринчи реконструкция тугалланиб, корхона қайтадан ишлай бошлагач, экстракция цехи биз етказиб берган чигит магазини тўла, ўз вақтида қайта ишлай олмай қолди.

Бунинг сабабини кейинчалик билдик. Биринчи реконструкция пайтида асосий участка —экстракция цехида ҳеч қандай иш олиб борилмаган экан. Заводнинг бошқа бир қатор участкаларида бирмунча яхши ишласада, унинг «юраги» ҳисобланган ана шу цех ҳамон технологияни тўхтатиб қоларди. Оқибатда **бу йилнинг тўрт ойлик плани бор-йўғи 64.7 процент бажарилди. Меҳнат унумдорлиги плани эса 62.2 процент бўлди. Экстракция цех кўзланган технология бўйича ишламаганлиги сабабли асосан лак-бўёқ саноатя учун мўлжалланган ёғ ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари, кунжара ва шелуханинг ёғлилик даражаси белгиланганидан анча юқори эди. Шунингдек, бензин анча ортиқча сарфланарди. Буларнинг ҳаммаси апрель ойининг охирида корхонада иккинчи марта реконструкция ишлари бошлашни тақозо этди.**

Гулистон ёғ-экстракция заводидаги аҳволни яхшилаш да тошкентлик лойиҳачилар, созловчиларга мамлакатимизнинг кўпгина жойларидан мутахассислар кўмакка келишди. «Пишчепромавтоматика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Одес садаги ихтиосослашган монтаж-ишга туширш бошқармаси, Бутуниттифоқ ёғ-мой илмий-тадқиқот институтига қарашли «Масложирпром»нинг Ленинграддаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари корхонанинг иккинчи реконструкциясида актив қатнашишяпти.

Завод икки йилдан бери қониқарсиз ишлаётганлигида малакали мутахассислар, инженер-техник ходимларнинг етишмаётганлиги ҳам асосий сабаблардан бири бўлмоқда. Ускуна ва қурилмалар тез-тез ишдан чиқишига маълум даражада шу сабаб бўлди. Бунинг асосий манбасини ҳам корхона барпо этилаётган пайтдаги –қурилаётган завод дирекциясининг фаолиятидан ишлаш лозим. Маъ мурият завод ишга тушмасдан анча илгари мутахассис кадрлар ҳақида қайғуриши лозим эди. Тўғри, ўша пайтда кишилар турдош корхоналарга иш ўрганиш учун жўнатилди. Лекин улар жуда озчилик бўлиб, қисқа муддатга юборилган эдилар. Корхона ишга туширилиши яқинлашганда эса шошма-шошарлик билан энг нозик участкаларга ҳам тўғри келган кишилар ишга қабул қилинди.

Бу камчиликни бартараф этиш мақсадида завод ишга тушгач, ўқув комбинати ташкил этилиб, унга юз киши қабул қилинди. Афсуски, бу иш ҳам охирига етказилмади. Ўтган йилнинг ўрталарида ўқув комбинатидан фақат унинг номигина қолди. Ҳали технологияни тўла ўзлаштириб олмаган ишчилар ўқувнинг бригада формасига ўтказиб қўйилди.

Ишлаб чиқаришни ташкил этадиган ва уни бошқарадиган мутахассислар ҳам заводда етарлича эмас. Штат бўйича бу ерда 39 нафар мутахассис —инженер, техник, технолог бўлиши лозим. Амалда эса бор-йўғи 11 мутахассис ишлаяпти. Шулардан 7 киши саноатда бор-йўғи икки йил атрофидаги иш стажига эга.

Кадрлар, мутахассислар етишмаслиги кўп жиҳатдан корхона ишчи-хизматчилари учун уй-жой, маданий-маиший шароитлар етарлича яратилмаганлиги билан характерланади. Лойиҳа бўйича ана шу мақсадлар учун 4 миллион 610 минг сўм маблағ ўзлаштирилиши лозим эди. Амалда эса уй-жой ва маданий-маиший объектлар қурилишига бор-йўғи 2 миллион 520 минг сўм маблағ сарфланди. Планда кўзда тутилган 15,4 минг квадрат метр ўрнига бор-йўғи 8,8 минг квадрат метр саҳнли турар-жой бинолари фойдаланишга топширилганлиги бу масалага қандай муносабатда бўлинганлигини яққол кўрсатиб турибди. **Корхона учинчи йил ишлаётган бўлишига қарамай, ишчи-хизматчиларга шарт-шароит яратиб бериш масаласи ҳамон ижобий ҳал қилинмаяпти.**

—Ҳозирги пайтда квартира берилишини сўраб навбатда турганлар 200 кишидан ошиқ,—дейди завод ишчилар комитетининг раиси Р. Однлова. —Уларнинг тўртдан бир қисми ишчилардир. 1982 йили эса корхонамизнинг маданий-маиший эҳтиёжлари учун бор-йўғи 250 минг сўм маблағ ажратилган.

Заводда кадрлар қўнимсизлиги катталигининг сабаби ўз-ўзидан билинади. Ўтган йили корхонада 441 киши ишга олиниб, 444 киши ишдан бўшатилди. Бундай шароитда ижтиҳ техник-иқтисодий кўрсаткичлар ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас.

Сирдарё областида етиштирилган пахтанинг чигитини узоқ жойларга олиб бормай, шу ерниг ўзида қайта ишлаш мақсадида Гулистон ёғ-экстракция заводи барпо этилганди. Афсуски, бу корхона ҳозирча кутилган самарани бермаяпти. Завод икки йилдан бери лойиҳадаги қувватга етолмаётганлиги сабабли пахта чигити қайта ишлаш учун Янгийўл, Қўқон, Учқўрғон ва бошқа жойлардаги корхоналарга олиб борилмоқда. **Биргина 1981 йилнинг ўзида 107 минг 417 тонна пахта чигити областдан ташқарига чиқарилди. Шунча миқдордаги чигитни транспорт воситаларида ташиш учун 770 минг сўм маблағ сарфланди.**

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленумида маъқулланган СССР-нинг Озиқ-овқат программасида **«Мойли экинлар уруғи етиштиришни анча ўстиришни тамъинлаш, уларни қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлашни ташкил этишни яхшилаш, мойли экинлар уруғи нобудгарчилигини камайтириш партия, совет, қишлоқ хўжалик органларининг, колхоз ва совхозларнинг, тайёрлаш ва қайта ишлаш корхоналарининг муҳим вазифасидир»**, деб алоҳида таъкидлаб ўтилган. Ушбу кўрсатмалардан келиб чиққан ҳолда Гулистон ёғ-экстракция заводидаги аҳволни тезликда тузатиш, уни лойиҳалаш, қуриш, ускуналарни монтаж қилиш ва фойдаланишда йўл қўйилган нуқсонлардан тегишли хулоса чиқариш, сабоқ олиш талаб этилади. Бу борада корхона коллективига Сирдарё область партия комитети, Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги ҳар томонлама кўмак беради, деб ўйлаймиз.

В. СЕРГЕЕВ.
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ҚЎШИҚЛАРДА ШОИР ҚАЛБИ

Қариб 30 йилдирки, Борис Пакнинг гражданлик туйғулари билан йўғрилган ва нозик лиризм билан суғорилган хилма-хил шеърлари республикамиз ва марказий матбуотда эълон қилиниб келмоқда. Шоир ижодда партия ва ватан, тинчлик ва меҳнат, дўстлик ва интернационализм, севги-муҳаббат ва вафони тараннум этувчи шеърлар бор. Ҳозиргача унинг ўндан зиёд шеърий ва таржима китоблари Тошкент ва Москва нашриётларида чоп этилди. Шоирнинг катталар учун ёзган «Юлдузлар сари борасан», «Шарқ этюдлари», «Апрель тонглари», «Севги уйғонар» сиқлари ва болалар учун битилган «Зангори дарвоза», «Чўпчагим чўпчак», «Сирли қаср хўжайини» каби тўпламлари, айниқса, эътиборга сазовордир.

Шоир қўшиқ жанрида ҳам баракали ижод қилмоқда. Совет Иттифоқи ва Ўзбекистоннинг таниқли композиторларидан Вано Мурадели, Григорий Пономаренко, Евгений Родигин, Александр Аверкин, Николай Поликарпов, Борис Зейдман, Борис Гиенко, Александр Берлин ва бошқалар Борис Пак шеърларига музика басталадилар. Унинг қўшиқларини Марказий телевидение, Бутуниттифоқ радиоси орқали тез-тез эшитиб турамиз, шунингдек, мамлакатимизнинг турли музикали тўпламлари саҳифаларида ва, жумладан, «Огонёк» журналида босилган. Шу билан бирга шоир шеърлари асосида яратилган қўшиқлар Бутуниттифоқ «Мелодия» фирмаси томонидан пластинкаларга ёзиб олинган.

Таниқли композитор Григорий Пономаренко 1972 йилда Бутуниттифоқ «Музика» нашриёти машҳур композитор Вано Мураделининг шоирнинг болаларга атаб ёзган 28 та шеъри асосида яратган «Музикали минутлар» тўпламини чоп этгани ҳам Борис Пак шеърлари нечоғли мусиқийлиги ва оҳангдорлигидан гувоҳлик беришини алоҳида таъкидлаган эди.

Мамлакатимиз композиторларининг VII съездида қатнашган Борис Пак республика қўшиқ конкурсларининг лауреати ва совриндоридир. У таржимон сифатида ҳам актив фаолият кўрсатмоқда. Чунончи, у Ленин мукофоти лауреати Ғафур Ғулом, республикамиз ва қардош қорақалпоқ шоирларидан Ҳайриддин Салоҳ, Юсуф Шомансур, Тўлқин, Ҳолмурод Сапаров, А. Мефаев ва бошқаларнинг шеърларини рус тилига таржима қилган. Айни пайтда ўзининг шеърлари ҳам ўзбек, қирғиз, қорақалпоқ, эстон, чуваш, корейс ва болгар тилларига таржима қилинган.

Шоир Борис Пак 50 ёшга кирди. Шеърларидан намуналар эълон қиларканмиз, унга мустаҳкам саломатлик ва янги-янги ижодий парвозлар тилаймиз.

Одил ЕҚУБОВ,
ёзувчи, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати.

УРУШ БИЛМАСИН БОЛАЛАР

Кўп баҳорлар ўтиб кетдилар,
Замбараклар тингандан буён.
Кўп баҳорлар ўтиб кетдилар!...
Аммо уйқум безовта, ёмон:
Тушларимда қишлоғим бўйлаб
Қовоқ уйиб ўтар солдатлар.
Олов ёнар осмонни ялаб,
Уруш сўнгги кўринмас ҳамон!
Неча марта майса кўкарди
Замбараклар тингандан буён.
Неча марта мойса кўкарди!
Лек оналар тушлари ёмон:
Оталарни энг охирги бор
Тушларида жанга кузатар...
Гўё қанча асрлар ўтди,
Йўлга боқар бевалар ҳамон!
Қанча-қанча баҳорлар ўтди
Замбараклар тингандан буён.
Унутмасмиз тинчлик ва баҳор
Учун юрдик Эльбага томон!
Билмасинлар жангни гўдаклар!
Оналарнинг кўз ёши битсин.
Болаларга доим кун чиқсин!
Туш кўрсин хуш, нурли, чароғон.

МАҲЛИЁМАН СЕНГА, ВАТАНИМ

На хуш эрур апрель тонглари
На хуш эрур зангори олам...
На хуш ўйнаб қайғи шоҳлари,
Турналарнинг парвозлари ҳам...
Бўгдойзорни кўриб куйлар дил,
Кўриб юксак ўт гарамларни.
Ойдинликда куйлар, кулар дил,
Волга бўйлаб кезган дамларим.
Согинаман сени жонежон,
Олисларда кезинган дамим.
Қайтиб келсам дилда ҳаяжон,
Маҳлиёмам яна, Ватаним!
Кувонч қамрар дилимни шунда,
Ором олар жон ила таним.
Бунда ранглар ажибдир жуда,
Нақадар соз менинг Ватаним.

Аэниз АБДУРАЗЗОҚ таржималари.

МАНГУ ОЛОВ ҲАҚИДА

Қабр узра кўрамиз келиб
Олов ёнар кеча
кундузлар.
Не деб сўзлар оловнинг
тили?
У мангулик ҳақида
сўзлар!

ЖОНЛИ ВЕЛОСИПЕД

Укам билан қолдим.
Уни бошга олдим.
Кула-кула ўлдим,
Велосипед бўлдим.
— Қани тез юр, —
дейди.
Ўзи патир ейди.
Менга эса бермас.
Ундай бўлса,
Айтай.
«Велосипед» юрмас.

Миразиз АЪЗАМ.
таржимаси.

СПОРТ

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

ЧЕМПИОННИНГ МАҒЛУБИЯТИ

Испанияда ўтказилаётган жаҳон чемпионатининг ҳал қилувчи иккинчи босқич учрашувлари қизғин курашларга бой бўлмоқда. Буни Австрия — Франция, Польша—Бельгия командалари ўртасидаги дастлабки ўйинлар ҳам яқол намойиш этди.

Маълумки, ҳар бир команда ўз группасида иккитадан учрашув ўтказади. Шунинг учун ҳам муваффақият мазкур матчларда бор маҳорат ва жанговар хислатларини намойиш этган команда тарафида бўлиши турган гап. Группалардаги учрашувлар ниҳоясига етгач икки ёки уч команда бир хил очко жамғарса ярим финалчи киритилган ва ўтказиб юборган тўплар нисбати бўйича аниқланади. Агар бунда кўрсаткичлар бир хил бўлса, икки учрашувда энг кўп тўп киритган команда чемпионатнинг навбатдаги босқичида иштирок этади. Бунда ҳам кўрсаткичлар тенг келса, биринчи босқичдаги кўрсаткичлар ҳисобга олинади. Ғолибни аниқлашдаги сўнгги усул эса қуръа ташлашдир.

Кўриниб турибдики, группаларда ғолиб чиқиш учун барча командаларда имконият етарди. Буни ўтган сешанба куни «В» ва «С» группаларида ўтказилган икки учрашув ҳам яна бир бор исботлади. Саралаш турнирида фақат дуранг натижага эришиб, чемпионатнинг иккинчи босқичига йўлланма олган Италия терма командаси футболчилари жаҳон чемпионати — Аргентина терма командаси билан куч синашишди. Барселонадаги бу матч юқори суръатда бошланди. Имконият бўлди дегунча рақиблар ҳужумни кучайтира бордилар. Шунга қарамай биринчи бўлим мобайнида командалар муваффақиятга эриша олишмади.

Танаффусдан сўнг Италия терма командаси футболчилари ташаббусни ўз қўлларига олишди. Улар 10 минут давомида тезкорликда ҳужум уюштирди турдилар. Бу 56-минутга келиб ўз самарасини берди. Тарделли томонидан зарб билан йўналтирилган тўп дарвоза тўрига келиб тушди. Ўз дарвозаларидан тўп ўтказиб юборган Аргентина футболчилари шиддат билан ҳужумга ўтишди. Олдинига Бертони қулай имкониятни бой берди. Кўп ўтмай Марадона томонидан йўналтирилган тўп дарвоза устунига тегиб қайтди.

Италияликлар томонидан уюштирилган карши ҳужумларнинг навбатдагиси муваффақиятли якунланди. Бунда ҳимоячи Кабрини ўзини кўрсатиб, аргентиналиклар дарвозасига иккинчи тўпни киритди. Жаҳон чемпиони — Аргентина футболчилари учрашув охиригача бир маротаба муваффақиятга эришдилар, холос. Шундай қилиб, Италия терма командаси жаҳон чемпионатида ластлабки муҳим ғалабани қўлга киритди.

ГФР ва Англия терма командалари ўртасидаги учрашувда дарвозабон ва ҳимоячиларнинг бехато ҳаракат қилишлари натижасида ҳисоб очилмай, рақиблар очколарини бўлишиб олишди.

Бугун СССР терма командаси Бельгия футболчилари билан учрашади.

ВЕЛОПОЙГА

ХАЛҚАРО МУСОБАҚА ЯКУНИДА

Италия йўллари бўйлаб ўтказилган халқаро мусобақа ниҳоясига етди.

Кўпкунлик велопойга давомида республикамиз спортчиси Шохид Загриддинов ўз маҳоратини яна бир бор кўрсатди. 35-Тинчлик пойгасининг кумуш медаль совриндори бўлган вакилимиз сўнги 13-босқичда ҳам зафар қучди. Бунда у 118 километрли масофани 2 соат 27 минут 37 секунда босиб ўтиб, маррага биринчи бўлиб етиб келди. Бу Шохиднинг учинчи ғалабаси бўлди.

СССР терма командаси шахсий ҳисобда биринчи ўринни эгаллади.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ЛИВАНДАГИ АҲВОЛ

БАЙРУТ, (ТАСС). Ўтган кунлар ичи Байрут ва Ливандаги ҳарбий ҳолатда умуман ҳеч қандай муҳим ўзгаришлар рўй бермади. Ўқтин-ўқтин қисқа-қисқа отишмалар бўлиб турди, холос. Шу билан бирга қарама-қарши томонлар жангларни яна бошлашга тайёгарлик кўраётганликлари тўғрисида шовшув бўлмоқда. Тель-Авив Фаластин қаршилик ҳаракатига дўқ-пўписалар қилишни давом эттирмоқда. Исроил генераллари Байрутнинг ғарбий ва жанубий шаҳар чеккаларига оғир артеллерияни, ҳар хил жанговар техникани тортиб келтирмоқда, Алея, Бхамудун, Шуэйфат районларидаги қўшинларни бошқатдан гуруҳламоқда. Кечаги кун мобайнида Байрутга икки дивизион катта калибрли тўплар келтирилди. Шу билан исроилликлар бу жиноий ҳарбий ҳаракат муқарар келтириши мумкин бўлган катта-катта вайронгарликлардан тап тортмай Ливан пойтахтининг ғарбий қисмини босиб олиш ниятида эканликларини намойишкорона таъкидламоқдалар. Бу ерда олинган маълумотларга кўра, ҳозир Исроил ҳукумати ғарбий Байрутга ҳужум бошлаш масаласини муҳокама қилмоқда. Исроил халқининг орасида ҳукуматнинг ҳаракатларидан норозилик ўсиб бораётганлигига қарамай Кнессетдаги экстремист кучлар Ливандаги уруш ҳаракатлари кенгайтирилишини ва ғарбий Байрутни босиб олиш муддатлари мумкин қадар қисқартирилишини талаб қилмоқдалар.

Фаластин қаршилик ҳаракати —миллий ватанпарвар кучлар бирлашган кучларининг қўмондонлиги шу муносабат билан тегишли чоралар кўрмоқда. Ғарбий Байрут кўчаларида ва унинг жанубий ва жануби-шарқий чеккаларида янги истеҳкомлар вужудга келтирилмоқда, траншеялар қазилмоқда, Исроил танк қисмлари ва механизациялашган қисмлари ҳамда бўлинмаларининг ҳаракат қилиши кутилган ҳамма йўллар миналаштирилмоқда ёки мина қўйиб чиқишга тайёрланмоқда. Кўчалар ва йўлларнинг бош чорраҳаларида тупроқдан деворлар кўтарилмоқда.

Уруш фронтларида нисбатан жимлик бўлгани ҳолда сиёсий активлик ғоятда кучайиб кетди.

АҚШ президентининг махсус ёрдамчиси Хабиб фаластинликларни қуролсизлантириш ва улар қурол-яроғларини Ливан армиясига топширишлари тўғрисида Исроил ва АҚШ қўйган талаблар бажарилишини қистамоқда, ливан халқи ва фаластин халқини амалда таслим эттиришга уринмоқда. Вашингтоннинг эмиссари баъзи нарсаларга эришди ҳам. Жумладан Ливан маъмурларининг тутган позициясида шу нарса акс этиб, улар Исроилнинг қўйган талабларига ён бера бошладилар. Ливан миллий ватанпарвар кучлари марказий сиёсий кенгашининг раиси Валид Жумбулат берган баёнотида ҳозирги марказий маъмурлар Исроил ҳарбий маъмурларининг назорати остида иш кўраётган органлар билан алоқада бўлиб турибди, деди. Фаластин қаршилик ҳаракати —миллий ватанпарвар кучларнинг раҳбарлари ўт очиш узилкесил тўхтатилишининг янги вариантлари ва шартларини кўриб, анча эпчиллик қилмоқдалар. Аммо раҳбарлар Исроил —Америка бўйруғига ҳеч ким таслим бўлмайдилар, деб таъкидламоқдалар.

Фаластин озодлик ташкилоти ижроия комитетининг раиси Я. Арафат кеча фаластин-ливан жангчиларига мактуб билан мурожаат этди. Бу мактубда фаластинлик араб халқи ўзининг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари тўла амалга оширилишига эришмагунча курашни давом эттиришга маҳкам бел боғлаганлиги таъкидланади. Исроилнинг агрессияси тўрт ҳафтадан бери давом этмоқда, дейилади мактубда. Душман туҳмат бўҳтонларни тарқатиш, матонатимизни бўкиш мақсадида Америка — Исроилнинг қўчли пропаганда машинасидан фойдаланяпти. Лекин биз у жанг майдонида эришолмаган муддаосига бошқа бирон йўл билан эришаолмайди, деймиз. Я. Арафат Ливанни ва унинг миллий мустақиллигини ҳимоя этиш учун, Ливан ерини Исроил оккупациясидан озод қилиш учун курашни давом эттиришга даъват қилди.

Куни кеча Байрутда Фаластин раҳбарларининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда ҳамма фронтлардаги ҳарбий вазият муҳокама қилинди ва босқичиларга зарба беришни кучайтиришга қаратилган бир қанча тадбирлар белгиланди. Тель-Авив бошлаган психологик урушга қарши чоралар кўриш методлари ҳам кўриб чиқилди.

Я. Арафат ва Фаластиннинг бошқа раҳбарлари мамлакатда вужудга келган танг вазиятни бартараф этиш йўлларини излаб Ливаннинг сиёсий арбоблари билан олиб бораётган музокаралар давом этмоқда. Фатх ташкилоти марказий комитетининг аъзоси Абу Аяд гапириб «Фаластин озодлик ташкилоти тангликни бартараф этиш масаласини исроил қўшинлари Байрутдан жанубга камида 5 километр чекинган тақдирдагина фақат Ливан давлатининг вакиллари билан муҳокама қилади», деди.

Бу ерда баъзи араб мамлакатлари Ливан пойтахтини ҳимоя этиш ва Қўшма Штатлар билан Исроилни ўзларининг сурбетлик талабларидан воз кечишга мажбур этиш мақсадида АҚШ ва унинг иттифоқчиларига нефть бойкотини бошлаш билан пўпоса қилаётганликлари айтилмоқда.

Байрутда олинаётган хабарлар интервентлар босиб олинган территориядаги қаршилик ўчоқларини бостиришга муваффақ бўлолмаётганликларидан далолат бермоқда. Кейинги кунларда фаластин қаршилик ҳаракати ва миллий ватанпарвар кучларнинг бирлашган отрядлари ўтказган операциялар натижасида Исроилнинг бир неча танки ва бронетранспортери мажақлаб ташланди. Исроилнинг ҳарбий хизматчилари орасида ўлдирилган ва жароҳатланганлар бор. Сайда шаҳри районида босқинчиларга қаршилик кўрсатиш айниқса актив тус олди. агрессорлар бу шаҳарни қарийб тамомила вайрон этган эдилар. Бу ерда партизан группалари ҳаракат қилиб, Исроил қўшинларининг соқчилари ва дозорларига ҳужум қилмоқда ва душманга сезилари талофатлар етказмоқда. Ўтган тунда Дамурнинг шарқида бир гуруҳ ватанпарвар Исроилнинг механизациялашган соқчиларига пистирма уюштирди.

ПАРИЖ. (ТАСС). «Юманите» газетасининг мухбири Ливан пойтахтидан хабар беради: «Уч ҳафта давомида бомбардимон қилиш ва тўпга тутишлардан сўнг Байрут аҳолиси ниҳоятда асабий ҳолатда яшамоқда. Аҳвол яқин фурсатда бир ёқли бўлиши керак, degan фикр айтилмоқда... Фаластин ва Ливан миллий ватанпарвар кучлари доираларида араб режимлари томонида бирон бир ташаббус йўқлиги алам билан айтилмоқда».

ВАШИНГТОННИНГ ҲАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ ТАНҚИД ҚИЛИНМОҚДА

ЛОНДОН. (ТАСС). Вашингтоннинг ҳатто энг итоаткор иттифоқчиси бўлган Буюк Британия консерваторлар ҳукумати ҳам Ғарбий Европа мамлакатлари манфаатларини назар—писанд қилмаётган Оқ уй ўтказаётган иқтисодий сиёсатдан норози эканлигини яшира олмаяпти.

«АҚШ ўзидаги ишсизликни Европага экспорт қилишга уринмоқда», — буюк Британия давлат савдо министри Питер Рис АҚШнинг Ғарбий Европа пўлатини импорт қилиш учун олинадиган божни кўпайтириш тўғрисидаги қарорини ана шундай шарҳлади. У Нью-Йоркда сўзга чиқиб, Вашингтон маъмуриятининг бу қарорини «протекционизм қуролидан бемаънилар фойдаланиш» деб атади. АҚШнинг хатти-ҳаракатлари, деди П. Рис Ғарбий Европа, хусусан Англиянинг металлургия саноатига ўнглаб бўлмас зарар етказиши мумкин. Айни вақтда давлат министри Рейган маъмуриятининг Сибирь — Ғарбий Европа газ қувури қурилишига тўсқинлик қилиш йўлидаги уринишини кескин танқид қилди.

Лондонда чиқадиган «Файнэншл таймс» газетаси П. Рис фикрини шарҳлаб, «у Қўшма Штатлар билан Европа иқтисодий ҳамжамияти мамлакатлари ўртасида савдо-сотиқ муносабатларига путур етказадиган хатти-ҳаракатлар тўғрисида гап борганда ғоят қаттиқ туриб олди» деб таъкидлайди.

САРАТОН ТАФТИ

21 июндан бошланган саратоннинг 20 куни, чилланинг эса 31 куни июлга тўғри келади. Шундай қилиб, июль — қоқ ёз, демак, қоқ жазирама. Ҳа, июль — ёз фаслининг олов тожи. Саратон шундайки, қуш учса қанотини, одам юрса оёғини куйдиради.

Чилла кирганидан бошлаб, то 22 декабргача кун сайин тун «читтак қадам»лаб узайиб боради. Июль давомида эса тунга 42 минут қўшилади.

Даладаги ишлар ҳам саратон тафтига яраша бўлади. Саратонда соя ахтариб қолганлари «соя-парвар» дерлар. Деҳқон халқи эса, бамисоли пахтадай офтобпарвар бўлганидан, саратон оловига яланг тўшини қалқон қилади, бу билан ўзини ҳам, экинини ҳам пишитиб олади. Ҳа:

● Деҳқон саратонда қайнайди,
Овчи — қаҳратонда.
● Офтоб қалови қанча авжланса,
Деҳқон қайнови шунча мавжланар.

«Ёз бўлмай, соз бўлмас» ибораси аслида саратонга нисбатан айтилган. «Саратонда тош ҳам қизаради» дегани шундан.

Умуман саратону чиллада ёзги экинлар пишади, бундан унумли фойдаланган деҳқонлар, полизкорлар пишган экинларни тезда нобуд этмай йиғиштириб, иккинчи ҳатто учинчи бор экин-тикинга киришадилар.

Бозор расталарию хонадонлар, дастурхондаги ноз-неъматлар яна ҳам тўлишиб боради. Чунончи, чиллаки узум ва бошқа мевалар ёнига энди чарос, ҳусайни, нок, нашвати, анжир кабилар, шунингдек асл деҳқонлар, етиштирган, анвойи ҳиди атрофни тутиб кетадиган, тилими тилни ёрадиган сархил қовуну тарвузлар қўшилади. Шунда «Дастурхонинг олдингда тўла бўлсин!» — деган эл истак-орзуси дафъатан гавдаланади кўз олдинг да.

Сиз билан биз уйқуда ётган маҳалда, заргар-сувчи кўз илғамас гўза жўякларига оби-ҳаёт тараб юрган бўлади. Зотан кундузи саратон ҳароратини эмган гўза яна тунда озуқа шарбатини ҳам мириқиб шимираркан, шунда унинг куч сайин яшнаб, ривожланишини кўринг.

● Саратоннинг шарбат суви ёғдай ёғар гўзаларга. Жўяк оша меҳр билан сувчи боқар пайкалларга.

Хуллас, бу йил июнь ўрталарига келиб, қийғос гуллаган гўзалар июлда ялпи кўсаклайди. Ривождан ортда қолган гўзалар ҳам улар кетидан тез етишиб қолади. Бунинг учун озуқа-ю чилла сувини ҳамиша оби-тобида меъёрида бўлишини таъминлаш билан бирга тупроқни бирдай юмшоқ сақлаб туриш, бегона ўтлардан муттасил тозалаб бориш талаб этилади.

● Саратоннинг ҳар бир дами ғаним, Офтоб, меҳнат бирлигида кўп ҳикмат.

Чорвага осон пайтнинг ўзи йўқ, аммо эзг қийин уч палласи бор: ёзги, қишги чилла, кўзилатиш палласи.

Чунончи, ёзги чиллада қўйнинг бир оёғи қуруқда, уч оёғи сувда, яъни ўтлаш дан ҳам сув ичиши кўп бўлади бир бор ўтлаб, уч бор сув ичади. Демак, чўпон ўз отаридаги юзлаб қўй-қўзилардан ҳар бирининг ана шу тақлид ўтлаб, сув ичишини кузатиб, бошқариб боради. Яна бирон қўй ёки қўзи ҳам қизинган тошда ётиб қолмаслиги керак, ётса касалланади. Шунингдек бу пайтда қўй кўк қамишдан емаслиги керак, еса кузги қировда касалга чалинади, эти ҳам қаттиқ бўлади. Қўйларнинг айни палладаги емиши қовжираган ўт-ўлан, гиёҳлардан иборат бўлади.

Қолаверса, чўпон чиллада отарни яйлов тепароғига олиб чиқиб, булоқ ёқалаб боқади. Бу маҳалда қўй-қўзилар кундузлари яхши ўтлаётганлари учун тунлари ҳам бир неча соатлаб ёйиб боқилади.

● Юз сафга бир қалам бирла котиб қилур рақам,
Минг қўйни бир асо бирлан ҳар ён сурур чўпон.
(А. Навоий).

Р. ЖУМАНИЁЗОВ.

БОҒЛАР БОЛГА ТЎЛГАНДА...

Июль — йил ўртаси. Ўтган ой анча беқарор келди. Гоҳо ҳарорат қирқ даражагача кўтарилса, айрим кунлар бирдан совуқ оқим келиб, йигирма даражага тушиб қолди. Ҳатто Сирдарё соҳилларида эрталаб шудринг тушган кунлар ҳам бўлди. Мана, ниҳоят қуёш ўз нуқтасига чиқиб, боғларни болга тўлдирадиган, экинни яшнатиб, пиширадиган дамлар келди.

Чотқол тоғ тизмаларидаги даралар узра учирма бўлган қушлар чуғурлаши ҳар қандай одамнинг ҳам завқини оширади. Айниқса, эндигина уяларидан кўтарилиб, илк бор учишни машқ қилаётган қушчаларнинг ҳаракатлари ўзгача. Нўқ, қушчалар шунчаки учишни машқ қилмайди. Улар ўлжа тутиш, тиричилик йўлини ахтаришни ҳам ўрганади. Ҳар куни, ҳафта ва ой давомида ана шу манзара бу гўшаларда такрорланиб туради. Ахир табиатдаги ҳар бир жонзотнинг тиричилик тарзи, яшаш учун кураш йўли бўлади.

Қуёш нуқтага кўтарилиб, боғларда тўкин-сочинлик бошланган шу кунларда майна, қарға, тўрғай, қораялоқ, ҳакка ва бошқа қанотлилар ҳам тухум қўйиб, дастлабки болаларини учирма қилди. Ёввойи кабутар, қалдирғоч, кўккарга, мусича, сўфитўрғай ва бошқа қанотлиларнинг ин ва уяларида тухумдан чиқаётган, темирқанот бўлган авлодлари ҳадемай парвозга шайланади. Айрим қушлар эса иккинчи марта тухум қўймоқда. Тоғ чумчуғи, синчалак ва бошқа бир қатор қушлар шу ойнинг охири ва август бошларида ўзининг иккинчи авлоди ҳақида қайғуради.

Апрель ва май ойларининг қуруқ келиши ўлкамизнинг чўл ва ярим чўл зоналарида ўз изини қолдирди. Ўт-ўланлар жуда барвақт қуриб, фақат қушлар эмас, чорва моллар учун озуқа бўладиган кўп йиллик ўтлар ҳам яхши кўкармади. Чўл шамоли бир йиллик буталарнинг уруғларини аллақачон учириб кетиб, қум тупроққа қориштириб ташлади. Келгуси йилнинг баҳоригача, тўғрироғи ёмғирли кунлар бошлангунга қадар тўкилган уруғ қум қатламида ҳаракатсиз ётади. Бироқ тоғларнинг ён бағирлари, тоғ дарёларига бориб туташган даралар, булоқлар қайнаб турган воҳаларда тамоман бошқача манзарага кўзингиз тушади. Кўм-кўк кўкатлар гилами тўшалган, гуллай бошлаган ва эндигина бўй чўзаётган ўсимликларнинг ажиб ҳиди димоққа анқийди. Бундай хушманзарали жойларда қушлар ҳам, ҳайвонлар ҳам кўпроқ учрайди.

Республикамизнинг жанубий қисмида шарқдан Боботоғ тоғлари оралаб ва шимол томондан Ҳисор тоғ тизмалари, ғарбдан Бойсунтоғ оралаб Сурхон-Шеробод водийси томон Сурхон дарёси оқади. Июль ойида ана шу дарё соҳилларида жуда кўп қушларни учратиш мумкин. Иссиқсевар қанотлилар тўшларини дарё сувига ўриб, далалар ва боғлар оша беғоён волий бўйлаб олис-олисларга парвоз этади.

Тупроғи қўпчиб турган дала сўқмоқларига назар ташласангиз шу атрофда яшайдиган жонзотларнинг изларига кўзингиз тушади. Тунги осойишталик пайтида судралувчилар, кемирувчилар бундай сўқмоқлардан кўп ўтади. Сичқонлар, юмронқозиқ ва каламушлар фақат тундагина эмас, юмшоқ тупроқда қуёш қизиб турган пайтларда ҳам ўз изларини қолдиради. Ҳаёт ташвиши уларни ҳамиша ҳаракат қилишга ундайди. Шу боисдан кемирувчилар кечакундуз ташвишда бўлишади.

Оқа табиатда жуда озайиб кетаётган жайрон, хонгул, оққуйруқ, ёввойи эчки, олқор сингари ноёб ҳайвонларни ҳозирги чилла кунларида айни суратга оладиган пайт. Чунки қуёш нуқтага кўтарилиб, иссиқ ҳансиратган пайтда тоғ-тошларда, далалар ичида юрадиган бундай ҳайвонлар чанқоқни қондириш учун булоқлар бор воҳаларга тушиб келади. Шундай пайтларда қулай жойни танлаб, уларни томоша қилиш, суратга олиш қанчалар завқ бағишлайди.

Бироқ, барча ҳайвонлар учун ҳам ёз чилласи ҳузурбахш дам бўлавермайди. Масалан, чўл тошбақаси июль ойида ернинг салқин қатламига тушиб, қаттиқ уйқуга кетади. Шу ётганча келгуси йилнинг баҳорида уйғонади. Фақат тошбақа эмас, ёз уйқуси юмронқозиқларни ҳам аллалайди. Ҳозирнинг ўзидаёқ ёш юмронқозиқлар ўзларига бошпана топиб, уйқуга кетиш тараддудини кўряпти. Уларни Тошкент —Жиззах, Самарқанд — Термиз темир йўллари ёқаларида учратиш мумкин. Айниқса, Жилға станцияси атрофида юмронқозиқлар кўп яшайди.

Республикамиз пойтахтидан унча олис бўлмаган Бошқизилсой дараси ва шу дара номи билан аталган дарё ёқаларидаги чангалзорларда ёввойи чўчқани кўриш мумкин. Бу ернинг табиий иқлим шароити, булоқларнинг сероблиги бошқа жойларда кам учрайдиган ёввойи чўчқаларнинг яшаши ва кўпайишига қулай имкон беради. Ҳадемай ёввойи чўчқалар болаларини эргаштириб, дарё соҳилларига тушиб келади. Тоғ сўқмоқларида жайронларнинг изларини ҳам кўриш мумкин.

Қуёш нуқтага чиқиб, тун энг қисқарган ҳозирги кунларда фақат қушлар ва ҳайвонлар эмас, бутун мавжудот ўзга бир кайфият билан яшамоқда. Табиатнинг манзаралари ҳам ранго-ранг тус олган. Далаларни айтмайсизми, бир майдонда буғдой ўрилаётган бўлса, бошқасида такрорий маккажўхори экиляпти. Беғоён пахтазорларда катта хирмон учун кураш авжига чиққан. Боғбонлар ва сабзавоткорлар, чорвадорлар ва шоликорлар қуёш далалар узра ёлқин сочаётган шу кунларнинг ҳар бир дақиқасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажариш учун фойдаланмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, экин пиширар ой ҳисобланган — июльнинг фазилати бебаҳодир. Ҳамма гап ундан оқилона фойдалана билишда қолган.

А. ЛЕСНЯК.

Ҳар фаслнинг ўз хислати бор

ЁЗ | ИЮЛЬ

ДУШАНБА		5	12	19	26
СЕШАНБА		6	13	20	27
ЧОРШАНБА		7	14	21	28
ПАЙШАНБА	1	8	15	22	29
ЖУМА	2	9	16	23	30
ШАНБА	3	10	17	24	31
ЯКШАНБА	4	11	18	25	

Ёзнинг қизғин ойи — июлда республикамиз табиати янада жозибали бўлиб кетади. Айниқса, тоғли зоналарнинг баҳаво табиати дам олувчиларни ўз бағрига чорлайди. Шу кезларда баланд-баланд тоғ этаклари саёҳатчилар билан гавжумлашади.

В. ТАРАН фотолари.

КУРРАМИЗ ТАБИАТИ

Шимолий ярим шарда июль ёзнинг айни ўртаси ҳисобланади. Лекин Таймир ва Канаданинг шимолий чекқаларида бу ойда тез-тез қор ёғиб, бўронлар ҳам бўлиб туради. Шимолий қутб атрофларида эса қор худди тарвуз гули каби қизил рангга киради. Таймир ярим оролидаги тундра зонасида текис қирқилган майсазорни эслатувчи паст бўйли ўтлар қўлмак сувлар билан қопланади. Бу ойда кўпчилик қушлар туллаб, ўз патларини янгилайдилар.

Июлда Қизил денгиз соҳилининг табиати ажойиб бўлади. Кундузи 40—42 дараж иссиқда туман тушади. Жанубий Хитой, Ҳиндихитой, Ҳиндистон, Африканинг шимоли ва Жанубий Америка саванналарида кўп ёмғир ёғиб, дарёлар тошади. Ҳаво нам ва дим бўлади.

Куррамизнинг жанубий ярим шарида июль ойи қишнинг айни «қирчиллаган» даври ҳисобланади. Патагония ва унга ёндош ўлкаларда қаҳратон қиш ҳукм суради. Бутун атроф оппоқ қор билан қопланади. Шу билан бирга тез-тез қор бўронлари бўлиб туради.

Аргентинада ёмғир майдалаб ёғиб туради. Африка қитъасининг энг жанубида куз фасли бошланиб, ўсимликлар қурийди, мевали дарахтларнинг барги тўкилади.

Ўрта Осиё республикаларида, жумладан Ўзбекистонда ёз фасли кенг қулоч ёзади, боғ-роғлар ширин-шакар меваларга тўлиб-тошади.

Н. МАҲМУДОВА,
табиатшунос.

ЎЛКАМ ЧИРОЙИ

Руҳим ором олар яшилликлардан,
Ҳар гунча қошида талпинаркан қалб.
Елкам форғ бўлар ташвиш-юклардан,
Зангори бўшлиқлар қолганда чорлаб.
Менга сездирмасдан очилади гул,
Қушлар суюнчига келар чуғурлаб.
Гулзорга шошаман, ҳамроҳим сурур,
Мурғак гул баргига қўймоқ учун лаб.
Бўтана сувлар ҳам оқар жўш уриб,
Ҳарорат ҳам баланд, келтирмайман шак,
Кумуш япроқларин қанот қоқтириб,
Аста босиқлик-ла шовуллар терак.
Ёзнинг сахийлиги барг-ла яширин,
Болга айланмоқда гўр довуччалар.
Бугун боғларимга боғбондир июль,
Борлиқ ҳам қайноқ ёз нағмасин чалар.

Муножот ИМОМОВА.

ТАЖРИБАКОРЛАР МАСЛАҲАТИ

ХАЛОСКОР ЎСИМЛИКЛАР

Мен 1968 йилдан бери боғдорчилик билан шуғулланаман. Кўп йиллар давомида зараркунандаларга қарши заҳарли химикатлар ишлатиб келдим. Бу бир томондан мевали дарахтларни зарарли ҳашаротлардан халос қилса, иккинчи томондан фойдали ҳашаротлар ҳам қирилиб кетади. Лекин бундан заҳарли химикатлардан фойдаланмаслик керак деган маъно келиб чиқмайди. Ҳаваскор боғбонлар заҳарли препаратлардан қачон ва қандай миқдорда фойдаланишни, чанглаш ва тупроққа сепишни билишлари зарур.

Мен кейинги беш йил мобайнида заҳарли препаратларни ишлатмаяпман. Унинг ўрнига ўсимлик қайнатмаларидан фойдаланяпман. Табиатда бир-бирининг қушандаси бўлган жуда кўп ўсимликлар мавжуд. Масалан, черемика қайнатмаси (80-100 грамм барги олиниб, 10 литр сувда қайнатилгач совутилади), карам қуртларини, олма ширасини йўқотади. 40-50 грамм сирень баргига 10 литр сув қўшиб тайёрланган қайнатма эса ўсимликлардаги кўнғиз қуртчаларини қириб ташлайди. Агар мевали дарахт барглари баргхўр қуртлар ёпиши олган бўлса, явшон қайнатмасини пуркаш керак.

20 грамм тамакини 10 литр сувда қайнатиб, тайёрланган қайнатма шира, трипс, карам капалаги ва барглари кемирувчи қуртларга, қарши ишлатилса катта самара беради. Бу қайнатма резаворлар баргига тушадиган қирқ оёқ ва бошқа шу каби ҳашаротларга қарши ҳам ишлатилади.

Агар қулупнай ўсимлигига узун тумшуқ кана тушган бўлса, жўякларга саримсоқ ёки пиёз бўлакларини қўйсангиз зараркунандалар яқин йўламайди.

Н. ГАБДУЛЛИН,
ҳаваскор боғбон.

БАРРА БОДРИНГ

Ўрта Осиёда бодринг, помидор, болгар қалампири кенг тарқалган. Улардан мўл ҳосил олиш учун нима қилиш керак? Даставвал сув таъминоти яхши бўлиши зарур. Лекин кўп суғориш ҳам ярамайди. Сабзавот ғовлаб кетади ва ҳосили кам бўлади. Сабзавот экиладиган тупроқ серунум бўлиши зарур. Бунинг учун ерга кўпроқ маҳаллий ўғит чириндилари солинади.

Июль ойида сабзавот экилари кўп озуқа талаб этади. Шунинг учун ҳар ўн кунда қорамол гўнгини сувда эритиб оқизиш зарур. Парранда ва от гўнги ҳам яхши самара беради. Агар маҳаллий ўғит бўлмаса минерал ўғитлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда азот ва ва калий ишлатилади. 10 литр сувга иккита гугурт қутисидек донасини солиш кифоя қилади.

Ҳар бир соҳибкор ўз томорқасига қанча ўғит солишни билиши керак. Бу тупроқнинг унумдорлигига, ўсимликнинг ҳолатига ва об-ҳаво шароитига боғлиқ. Бодринг ўғитга муҳтож ёки муҳтож эмаслигини қандай аниқлаш керак? Агар барглари учингичкалашса, сал сарғая бошласа, демак унга азот бериш керак. Агар барги қорамтир яшил бўлиб, учлари сал сарғайса демак бундай бодринг калийни талаб этади.

Ўғит етишмаганлиги ҳосилни камайтириб юборгани сингари унинг кўп берилиши ҳам зарар келтиради. Агар бодринг баргида доғлар пайдо бўлса, меваси ним пуштиранг олса, демак бундай бодринг нормадагидан кўпроқ суғорилган бўлади. Зарарланган барглари дарҳол узиб ташлаш ва ўсимликка бир процентли бордос суюқлиги пуркаш лозим. Шундан кейин барглари ёмғирлатиб сув сепиб ювишни унутманг.

Р. ВАЛИЕВА,
Тошкент асбобсозлик заводи ёрдамчи хўжалигининг агрономи.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ



Ўрдак ёдринг.
Н. ШАРИПОВ фотоси.

МУҲИМ САНАЛАР

1. Бундан 70 йил муқаддам (1912 йил 1 июлдан 2 июлга ўтар кечаси) Тошкент яқинидаги Троицк лагерида 1- ва 2-сапёрлар батальони қўзғолон кўтарди.
3. Халқаро кооперация куни.
4. Денгиз ва дарё флоти ходимлари куни.
10. Бутунроссия Советларининг V съезди РСФСР Конституциясини— биринчи Совет Конституциясини қабул қилди.
Ўзбек совет композитори Хайри Изомов туғилганлигининг (1922) 60 йиллиги.
11. Балиқчилар куни.
Мўғилистонда халқ революцияси ғалаба қилди (1921).
13. Буюк озарбайжон демократ шоири ва мутафаккири Мирзо Фатали Охундов туғилганига (1812-1878) 170 йил тўлади.
14. Қўзғолон кўтарган француз халқи Бастилия қалъасини қўлга олди. Француз халқининг миллий байрами (1789).
15. Япония Коммунистик партияси тузилганига 60 йил тўлади.
17. СССР, АҚШ ва Буюк Британия ҳукумат бошлиқларининг Потсдам (Берлин) конференцияси очилди. (1945).
18. Металлурглар куни.
19. Бундан 40 йил муқаддам республикамиз меҳнаткашларидан йиғилган маблағга «Ўзбекистон» бронепоезди қурилди.
21. Литва, Латвия ва Эстонияда Совет ҳокимияти ўрнатилди (1940).
22. Польша гитлерчи босқинчиларидан озод қилина бошланди. Польша ташкил топган кун (1944).
25. СССР ҳарбий денгиз флоти куни. Савдо ходимлари куни.
26. Кубада миллий қўзғолон бошланди (1953).
27. Украин совет ёзувчи ва публицисти Я. А. Галан туғилганига 80 йил (1902-1949) тўлади.
28. Москвада ёшлар ва студентларнинг Бутунжаҳон VI фестивали очилганига 25 йил (1957) тўлади.

Редактор
И. СУЛАЙМОНОВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

ЖУМА

2 ИЮЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».

9.40 Футбол бўйича жаҳон чемпионатида. Кўрсатув тугагач— Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.

15.20 Денгиз ва дарё флоти ходимлари кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар.

15.55 П. И. Чайковский номли VII Халқаро конкурсда.

16.40 «Шундай бўлаверади». Мультфильм.

16.50 «Москва ва москваликлар».

17.20 Италияда миллий озодлик ҳаракати. Джузеппе Гарибальди.

17.50 «Асли болаликдан». «Қандай бўлган эди, қанақа бўлади...». Е. Носов.

18.35 «Жаҳон халқларининг ижоди». Вьетнам санъати.

19.15 «Дунё воқеалари».

19.30 В. А. Моцарт. Уч вальс.

19.40 «Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари». Тошкент трактор заводи.

19.55 Футбол бўйича жаҳон чемпионатида.

21.30 «Время».

22.05 «Велосипед ихтиро қилишга нима ҳожат!». Телевизион ҳужжатли фильм.

22.15 Футбол бўйича жаҳон чемпионатида. Танаффус пайтида (23.00) —«Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.

18.50 «Киносаёҳатчилар клуби».

19.50 П. И. Чайковский номли VII Халқаро конкурсда. Танаффус пайтида (20.30) — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».

21.30 «Время».

22.05 «Келишган эркак». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серия.

● УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.

11.30 «Яшнаётган Буджак». Телевизион фильм.

12.00 «Қизиқарли учрашувлар» Ёш мухбирларнинг хизмат кўрсатган ўқитувчи Мамажон Абдурасулов билан учрашуви (такрорий).

12.25 «Касблар ҳақида ҳикоялар» (рус.).

12.55 «Мен Шаповалов Т. П.». Бадиий фильм.

* * *

18.10 Кўрсатувлар программаси.

18.15 Болалар учун. «Мен, сен ва мультик».

18.55 «Бизнинг интервью». Кўрсатувда Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, милиция генерал-майори И. Ғ. Сатторов иштирок этади (рус).

19.30 «Ахборот» (рус.).

19.45 «Илҳом» Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби.

20.30 «Ахборот».

20.50 Узбекистон ССР халқ артисти Муҳаббат Шамаева концерти.

21.30 Москва. «Время».

22.05 «Дунё воқеалари».

22.35 «Эртага — премьера». Кўрсатувни кинодраматург Ф. Мусажонов олиб боради.

23.45 Янгиликлар.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Р. — 06345.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41*

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўрин босарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42 Масъул секретарь—33-09-93. Маданият, адабиёт ва санъат 54-48, 32-56-25 Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22 Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51 Чорвачилик бўлими — 32-56-33, Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44 32-56-26 Секретариат — 32- бўлими — 32-56-36 Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46 Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39 Таржима бўлимлари — 32-56-37 32-54-54 Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52 Иппи страциив бўлими — 32-56-27 32-58-83 Эълонлар бўлими — 33-81-42

Нашриёт диспетчери — 32-78-94 Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босма ҳонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64543. А. 1057.